

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 29.08.2017. S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

РЎЗМАТЗОДА ҚОДИРҚУЛ РУЗМАТ ЎҒЛИ

**ХОЖАМНАЗАР ХУВАЙДО ДИНИЙ-МИСТИК ҚАРАШЛАРИНИНГ
XVII-XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАСАВВУФИ РИВОЖИДАГИ
ЎРНИ**

09.00. 03 – фалсафа тарихи

фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УДК: 297:1:821 (09) (Хувайдо) (584:4)

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати
Мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of sciences (DSc) on
philosophical sciences**

Рўзматзода Қодиркул Рузмат ўғли

Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар
Марказий Осиё тасаввуфи ривожигадаги ўрни 3

Рузматзода Қодиркул Рузмат угли

Место религиозно-мистических воззрений Ходжамназара Хувайдо в
развитии суфизма Центральной Азии XVII – XVIII веков 33

Ruzmatzoda Qodirqul Ruzmat ugli

The importance of Hojamnazar Huvaydo's religious - mystical views in the
development of Sufism of Central Asia in XVII-XVIII centuries 62

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works66

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси В 2017. 2. DSc / Fall 1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг фалсафа ва мантиқ кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг www.tiu.uz ҳамда «ZiyoNet» www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Носиров Расулжон Носирович

фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маҳмудова Гули Тилабовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Болтабоев Ҳамидулло Болтабоевич
филология фанлари доктори, профессор

Хошимхонов Мўмин Хошимхонов,
фалсафа фанлари доктори.

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___»_____ куни соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади.

(Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.

Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «___»_____да тарқатилди.

(2020 йил «___»_____даги _____рақамли реестр баённомаси)

И. Р. Хўжамуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф. ф. д., профессор

Д. И. Файзихўжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф. ф. н., доцент

Г. Т. Маҳмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илми семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ

(докторлик диссертация (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ислом дини ва тасаввуф таълимотига бўлган қизиқиш ортиб бораётган ва айни вақтда ислом дини ва тасаввуфи моҳиятига бутунлай зид бўлган диний ақидапарастлик, сохта тариқатчилик, диний экстремизм ва терроризм Ер юзидаги халқлар ва мамлакатлар тинчлиги, осойишталиги ва барқарорлигига жиддий таҳдид солаётган бугунги таҳликали даврда «тарихий – маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм – фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш, шу асосда юртдошларимиз, аввало, ёш авлодимизни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она-юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш» муҳим ва долзарбдир¹.

Дунё ҳамжамияти фалсафий тадқиқотларида Марказий Осиё тасаввуфий таълимоти, тариқатлари (яссавия, нақшбандия, кубровия) тарихи масалалари Мичиган университети, Индиана университети (АҚШ), Динларни тадқиқ этиш маркази (М. Т. Драгомонов номидаги Украина Миллий педагогика университети), Диншунос Ёшлар Ассоциацияси исломшунослик академик маркази (Украина), Зальцбургдаги сўфизмни тадқиқ этиш институти (Австрия), Сўфизмни тадқиқ этиш институти (Германия) каби илмий марказлар томонидан ўрганилмоқда². Хорижий шарқшуносларнинг тадқиқотларида ахборот-информация босими тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда ислом тасаввуфининг инсоният маънавий-руҳий оламининг эсон-омонлигини сақлаб қолишдаги моҳиятини тўлароқ очиш долзарб мавзу бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда республикамызда яссавия, кубровия, нақшбандия, қодирия тариқатларига мансуб буюк авлиёларнинг таълимотларига оид йирик фундаментал тадқиқотлар яратилди. Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, сохта тариқатчилик, диний экстремизм, диний мутаассиблик хатарли тус олаётган ҳозирги шароитда тариқатлар ривожига муносиб ҳисса қўшган, Фарғона вилоятининг Чимён қишлоғида яшаб ижод қилган, нақшбандия тариқатига мансуб Хожамназар Ғойибназар ўғли Хувайдо (вафоти 1780 й.) диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни ва ролини тадқиқ этиш долзарб ва зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони³, «Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш

¹ Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори – «Халқ сўзи» газ., 2017 йил 25 май. № 103.

² <http://dx.doi.org/10.24848/islmig.07.1.04>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 6-сон.

чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 февралдаги ПФ-2774-сон Фармони, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонда ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон ҳамда «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»⁴ги Қарорларида буюк аждодларимиз меросини илмий асосда ўрганиш ва тарғиб этиш вазифалари белгилаб берилди. Мазкур тадқиқот ана шу вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради. Мавзуининг долзарблиги муаммони янгича дунёқараш ва илмий методология асосида тадқиқ этиш, нақшбандиянинг XV – XVI асрларда гуллаб – яшнашининг муҳим омилларинигина эмас, балки XVII – XVIII асрларда таназзулга юз тутишининг туб сабабларини илмий далиллар асосида ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги.

Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг «VI. Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик – бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш»нинг устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуи бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵

Марказий Осиёдаги сўфий тариқатлар анъанаси бўйича мутахассис Девин ДиУис (АҚШ Индиана университети профессори)нинг таъкидлашича, «Марказий Осиёда XVII-XIX асрларда сўфий жамоалар тарихини ўрганиш куртак ҳолидадир ... Афсуски, нақшбандияни жиддий ўрганиш бошланган эмас». Эронлик файласуф Саййид Муҳаммад Хотамий тасаввуф моҳиятини билишга диний ва илмий ёндашишдаги бирёқламаликни бартараф этиш лозимлигига эътиборни жалб қилар экан, тасаввуф моҳиятини билишга ислом цивилизацияси нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқлигини, ислом цивилизацияси ва тасаввуф Муҳаммад пайғамбарга Қуръон оятлари нозил бўлган кун ва соатдан бошланганини таъкидлади.

Марказий Осиё тасаввуфи тариқатлари тарихи ва таълимотини ўрганишга бағишланган хориж шарқшунослари тадқиқотларининг устивор йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) нақшбандия ва яссавия тариқатларининг ўзаро муносабати масаласини ретроспектив планда қайтадан идрок этиш; б) нақшбандиянинг XIV – XVI асрларда гуллаб-яшнашинигина эмас, балки кейинги асрларда инқирозга юз тутиши сабаблари

⁴ Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори – «Халқ сўзи» газ., 2017 йил 25 май. № 103.

⁵ <http://dx.doi.org/10.24848/islmjg.07.1.04>, <http://islaminstitut.uz>, Девин ДиУис. *Машоуихи турк и* Ходжагон: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавия и Накшбандийа // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и ответственный редактор А.А. Хисматуллин. Санкт-Петербург, 2001. С. 221., Саййид Муҳаммад Хотамий. Ислому тафаккури тарихидан (Форсийдан таржима) - Т.: 1993., М. Hartmann. «Der caghataische Diwan Hūwedas» - // Mittheilungen des Seminars für Orientalische Sprachen zu Berlin, Jahrgang V. Berlin. 1902.

ва оқибатларини ҳам тадқиқ этиш, в) тасаввуфнинг ислом олаmidан чиқиб, умумбашарий қадрият сифатида ривожланиб бориш тенденцияларини ўрганиш ва ҳ.о.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умуман тасаввуфнинг, хусусан, накшбандия тариқатининг келиб чиқиши, моҳияти, ўрта аср мусулмон жамиятида тутган ўрни масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларни шартли равишда: 1) хориж шарқшунослари; 2) совет шарқшунослари ва 3) ватанимиз тасаввуфшунос - олим ва файласуфларининг тадқиқотларига ажратиш мумкин.

Инглиз шарқшуноси А. Арберри (A. Arberry), француз шарқшуноси Л. Массигнон (L. Massignon), немис шарқшуноси А. Мец (A. Mez) тадқиқотлари ислом тасаввуфининг буюк сўфийлари ҳаёти, таълимоти масалаларига бағишланди. Инглиз шарқшуноси Ж. С. Тримингэм⁶, турк олими М. Ф. Купрулузода⁷, немис шарқшуноси Аннемари Шиммель⁸, рус шарқшуноси Александр Кньш⁹ тадқиқотлари ислом тасаввуфининг бутун дунёда кенг ёйилган тариқатларининг ривожланиш тенденциялари, хусусиятлари ва тарихини ўрганишга бағишланди.

XX аср бошларидаги рус шарқшунослари: В. А. Жуковский, А. Е. Крымский, А. Э. Шмидт тасаввуф тарихига, айниқса, сўфизмнинг келиб чиқиши ва ғоявий илдизларига катта қизиқиш билан қарадилар. Ғарб шарқшунослари сўфизм тарихини ўрганишда унинг ғоявий илдизларини социал антагонизмлар ва Шарқ мамлакатларидаги социал ҳаракатлар билан боғламадилар¹⁰.

Хожамназар Ҳувайдо ижодини тадқиқ этиш рус ва немис шарқшунослигида XX аср бошларида янги босқичга кўтарилди. Рус шарқшунослари А. Н. Самойлович, П. А. Фалев, М. Ф. Гаврилов, Н. П. Остроумов, немис шарқшуноси М. Хартман ўзларининг қатор илмий мақола ва рисоаларида туркий адабиётнинг XX аср бошларидаги ривожланиш хусусиятлари, жумладан, ўртаосиёлик сўфий ва шоир Хожамназар Ҳувайдонинг ижоди ҳақида фикр юритдилар.

Хожамназар Ҳувайдонинг тасаввуфий қарашлари XX аср бошларида немис шарқшуноси Мартин Хартманнинг немис тилида Берлинда чоп этилган «Ҳувайдонинг чиғатойча девони»¹¹ асарида тадқиқ этилди. Муаллиф Хожамназар Ҳувайдонинг Константинополда чоп этилган Девонидан саралаб олинган ўнта ғазалини таҳлил қилиш орқали немис китобхонларини унинг тасаввуфий ғояларининг мазмун – моҳияти билан таништирди. Рус шарқшуноси М. Ф. Гаврилов Тошкентда рус тилида чоп этилган

⁶ Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. - М., 1972;

⁷ Koprulyzade M. F/ Turk edebiyatında ilk mutasavvıflar. Istanbul. 1918; Altınchi basım. Ankara, 1987.

⁸ Шиммель Аннемари. Мир исламского мистицизма. – Москва: Алетея, Энигма, 2000.

⁹ Кньш А.Д. Мусульманский мистицизм. Краткая история. – М.-С-Пб.: «ДИЛЯ», 2004.

¹⁰ Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII – XV веках. -Ленинград: Издательство Ленинградского университета, 1966. С. 311.

¹¹ M. Hartmann. «Der caghataische Diwan Hūwedas» - // Mittheilungen des Seminars für Orientalische Sprachen zu Berlin, Jahrgang V. Berlin. 1902.

«Ўртаосиёлик шоир ва сўфий Ҳувайдо» рисоласи¹²да Хожамназар Ҳувайдонинг таржимаи ҳоли, ижоди ва тасаввуфий қарашлари ҳақида фикр юритди. Сўфий-шоирнинг ўнга яқин тўртликларини таҳлил қилиб, унинг асарлари филологлар, тарихчилар ва этнографлар учун муҳим илмий манба эканлигини таъкидлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон хони Амир Умархон (1810-1822)нинг бевосита хомийлигида диний ва дунёвий илм, санъат ва маданиятнинг ривожланишига алоҳида эътибор берилди бошланди. Амир Умархон қўқонлик қориларга Хожамназар Ҳувайдонинг ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишни топширган¹³.

Совет шарқшунослиги ислом тасаввуфи моҳияти, келиб чиқиши ва мусулмон жамиятида тутган ўрни масалаларини тадқиқ этишда марксча илмий методология позициясидан ёндашди. Академик Е. Э. Бертельс¹⁴, И. П. Петрушевский¹⁵, М. Т. Степанянц¹⁶, А. В. Сагадеев¹⁷ тадқиқотларида ислом тасаввуфининг моҳияти, келиб чиқиши, мусулмон жамиятида тутган ўрни ва роли масалалари муҳим ўрин эгаллади.

Ватанимиз тасаввуфшунос-олимлари: академик Иброҳим Мўминов¹⁸, Нажмиддин Комилов¹⁹, Иззат Султон²⁰, Ориф Усмон²¹, Р. А. Тиллабоев²², З. Қутибоев²³, Б. Валихўжаев²⁴, Ё. Исҳоқов²⁵, Э. Э. Каримов²⁶ тадқиқотлари нақшбандия тариқатининг кейинги давр издошлари таълимоти ва фаолиятини ўрганишга бағишланди.

Фақат 1959 йилдагина Хожамназар Ҳувайдо ижодини ўрганишга адабиётшунослар эътибори жалб қилина бошланди. Хусусан, М. Афзалов «Ҳувайдо ва Машраб ижодини атрофлича ўрганайлик» сарлавҳали мақоласида «шу чокқача шоир Ҳувайдо Чимёнийнинг ижоди чуқур ва атрофлича ўрганилмаганлигини» маълум қилди²⁷.

Таниқли адабиётшунос Тўхтасин Жалоловнинг «Самар Бону»²⁸ асари Хожамназар Ҳувайдонинг ўшлик чевараси шоира Самар Бону Сирожддин кизи (1836-1891)нинг адабий меросини тиклаш ва ўрганишга бағишланган

¹² Гаврилов М. Ф. Среднеазиатский поэт и суфий Хувайдо. Ташкент, 1927. -28 с.

¹³ «Туркестанский курьер» газ., 1912. № 112.

¹⁴ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. - Москва: Наука, 1965.

¹⁵ Петрушевский И. П. Ислам в Иране VII – XV веках. Курс лекций. – Ленинградский университет, 1966.

¹⁶ Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М.: 1986.

¹⁷ Сагадеев А. В. Абд-ар Рахман Бадави и экзистенциализм в арабских странах // Современная философия и социологическая мысль стран Востока. – Москва, 1965. – 230 с.

¹⁸ Мўминов И. М. Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари. Танланган асарлар. 1 т. –Тошкент: Фан, 1969.

¹⁹ Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Моварауннахр, 2009.

²⁰ Иззат Султон. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: Фан, 1994.

²¹ Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти. – Тошкент: Университет, 1993.

²² Тиллабоев Р. А. Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI веков как исторический источник (Жития шейхов тариката Нақшбандия). Дисс. докт. истор. наук. – Тошкент, 1994.

²³ Қутибоев З. Хожа Ахрор Валий. – Тошкент: Фан, 1994.

²⁴ Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи. – Самарқанд, 1993.

²⁵ Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. –Тошкент: Фан, 2002

²⁶ Каримов Э. Э. Хожа Ахрор ҳаёти ва фаолияти. – Тошкент: Маънавият, 2003.

²⁷ Афзалов М. Ҳувайдо ва Машраб ижодини атрофлича ўрганайлик – «Ўзбекистон маданияти» газ., 20 июнь, 1959 й. № 49 (354)

²⁸ Жалолов Т. Самар Бону.-Тошкент, 1963.

бўлиб, ўзбек адабиётшунослигида Хожамназар Хувайдо шахси, ҳаёти ва ижодини ўрганиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

ЎзФА академиги, фалсафа фанлари доктори Воҳид Зоҳидов ўзбек совет адабиётшунослиги тарихида Хожамназар Хувайдо ижодини илмий асосда ўрганишни бошлаб берган тадқиқотчи ҳисобланади.

Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришганидан сўнг кўп асрлар давомида аждодларимизнинг бой маънавий қадриятлари шаклланишида муҳим таянч бўлиб хизмат қилган ислом дини қадриятларини, хусусан, тасаввуф ва унинг тариқатлари моҳиятини, Марказий Осиёдан етишиб чиқиб, ислом цивилизацияси ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдулло Ахрор, Махдуми Аъзам Дахбедий – Косоний, Офоқ Хожа, Аҳмад Яссавий, Сўфий Оллоҳёр, Бобораҳим Машраб, Хожамназар Хувайдо сингари машҳур мутасаввифлар, мутакаллимлар, фикҳшунослар, тариқат пирлари ва авлиёлар меросини илмий холислик билан ўрганиш, улар меросини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш ва шу асосда комил инсон шахсини камол топтириш, халқимизни улар меросидан баҳраманд этиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов халқимизнинг бекиёс бойлиги бўлган улуғ аждодларимиз меросини ўрганиш, халқимизни ана шу меросдан баҳраманд этиш маънавий куч-қудрат, илмий – интеллектуал салоҳиятни юксалтиришнинг муҳим манбаи эканлигини таъкидлаб: «Ота – боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш пайти келди. Чунки ... шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланар эди»²⁹, - деб ёзди.

Туркистонда кенг ёйилган хожагон-нақшбандия тариқатининг Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Махдуми Аъзам Дахбедий-Косоний, Хожа Муҳаммад Порсо, Абдулқодир Гилоний, Хожа Ахрор Валий сингари буюк шайхларининг тасаввуфий – ирфоний қарашлари тарихий, фалсафий ва филологик аспектда О. Шарипова³⁰, Э. Зоиров³¹, Г. Юнусова³², Х. Раҳматова³³, К. Муллаҳўжаева³⁴,

²⁹ к: Каримов И. Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - Б.133.

³⁰ О. Шарипова. Абдуҳолик Ғиждувонийнинг тасаввуфий таълимотида олам ва борлиқ масалалари. Фалс. фан. номз. диссер. автореферати. –Т.: 2002. -22-б.

³¹ Зоиров Э. Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари. Ф.ф.н. дисс. автореферати. Т.: 2007. – 22 б.

³² Юнусова Г. Қодирия таълимоти ва унинг ижтимоий-ахлоқий моҳияти. Фалс фан. номз. дисс. автореферати. Т.: 2007. – 26 б.

³³ Раҳматова Х. Хожа Ахрори Валий ҳазратларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Фалс. фан. номз. дисс. автореферати. – Т.: 2012. – 26 б.

³⁴ Муллаҳўжаева К. Т. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги («Бадоеъ ул- бидоя» девони асосида). Филология фан. номз. диссертацияси. – Т.: 2006. -148 б.

Ж. Холмўминов³⁵, М. Исмоилов³⁶, З. Исакова³⁷ каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилди.

Бироқ Хожамназар Ҳувайдонинг тасаввуфий қарашлари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий – тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон миллий университети Фалсафа ва мантиқ кафедрасининг «Фалсафа тарихининг замонавий назарий-методологик муаммолари» мавзуи доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хожамназар Ҳувайдо диний-мистик қарашларининг мазмуни ва моҳиятини очиш орқали унинг Марказий Осиё тасаввуфи ривожига ўрни ва ролини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тасаввуф моҳиятини ислом цивилизацияси билан узвий боғлиқликда ўрганиш ва тасаввуфга илмий – фалсафий таъриф бериш;

янги илмий манбалар асосида Хожамназар Ҳувайдонинг таржимаи ҳолига илмий аниқлик киритиш, унинг авлодлари ва издошлари фаолиятини ўрганиш;

нақшбандия тариқатининг изчил давомчиси, Бобораҳим Машраб, Сўфий Оллоҳёрнинг издоши бўлган Хожамназар Ҳувайдо диний-мистик қарашларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

Хожамназар Ҳувайдо диний-мистик қарашларининг Марказий Осиёда, айниқса, Қўқон хонлигида XVIII асрларда хатарли тус олган диний, ахлоқий ва ижтимоий инқирозлар (сохта тариқатчилик, мунофиқлик, фирибгарлик, таъмагирлик, имонсизлик ва ҳ.о.)ни бартараф этишдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш;

Хожамназар Ҳувайдонинг диний-мистик қарашлари ва бой меросининг Марказий Осиё маърифатпарварлиги ривожига ўрни ва ролини очиб бериш;

сўфий ва шоирнинг тасаввуфий ғояларини ўрганиш, тарғиб этиш, баркамол авлодни тарбиялашда мутасаввиф-шоир меросидан фойдаланиш бўйича амалий – услубий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти тасаввуф ва хожагон-нақшбандия тариқати контекстида Хожамназар Ҳувайдонинг ижодий мероси ва диний-мистик ғоялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Хожамназар Ҳувайдо диний-мистик қарашларининг XVII – XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожига ўрнининг тарихий - фалсафий жиҳатларини тадқиқ этишдан иборат.

³⁵ Холмўминов Ж. М. Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари («Шархи рубоиёт» асари асосида). Филол. фан. номз. диссертацияси. – Т.: 2005. – 162 б.

³⁶ Исмоилов М. Шайх Худойдоднинг «Баҳр ал-улум» асари Марказий Осиёда тасаввуф тарихига оид муҳим манба (XVIII асрнинг иккинчи ярми). Тарих фанлари номзоди диссертацияси, Т., 2007.- 187 б.

³⁷ Исакова З. Р. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг «Насойим ул- муҳаббат» асари мисолида) филология фан. номзоди диссертацияси, Т., 2008. – 120 б.

Тадқиқотнинг усуллари: тадқиқот жараёнида илмий – фалсафий билишнинг анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги, умумий алоқадорлик, ворисийлик, системалилик, аналогия, умумлаштириш, мавҳумлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотдаги илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

тасаввуфнинг илмий - фалсафий (рационал-мантиқий билиш) ва диний концепциялари (олам, Худо ва инсон моҳиятини қалб билан билиш) бир-биридан фарқланган;

Хожамназар Ҳувайдонинг таржимаи ҳоли, диний-мистик мероси, унинг издошларининг диний-тасаввуфий қарашлари компративистикаси очиб берилган;

нақшбандия тариқатининг изчил давомчилари (Бобораҳим Машраб, Сўфий Оллоҳёр)нинг издоши бўлган Хожамназар Ҳувайдо диний-мистик қарашларининг ўзига хос хусусиятлари (нақшбандиянинг кошғар мактабига мансублиги, яссавия, мавлавия, маломатия, қодирия, зайния тариқатлари ғояларини тарғиб этиши, авом халқ маънавиятини юксалтиришга интилиши) тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги тамойили асосида очиб берилган;

XVII – XVIII асрларда Марказий Осиёда сурункали давом этган маънавий, ижтимоий – сиёсий инқирознинг сабаблари (илмсизлик, молу дунёга хирс қўйиш, жаҳолат, мунофиқлик) ва уларни бартараф этишда Хожамназар Ҳувайдо тасаввуфий қарашларининг ижобий таъсири асосланган;

Хожамназар Ҳувайдо Марказий Осиё тасаввуфи ва маърифатпарварлиги тарихида биринчи бўлиб барча мусулмонларнинг мажбурий бошланғич таълим олиши зарурлиги ғоясини илгари суриб, уни ҳаётга жорий этиши асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари

Диссертацияда илгари сурилган назарий хулоса ва амалий таклифлардан жамиятимиз ҳаётида етакчи ўрин эгаллаётган элитар қатлам маданияти, маънавияти, ҳаёт ва тафаккур тарзини шакллантиришнинг илмий-тарихий асосларини ўрганишда; илмий тадқиқот самарадорлигини яхшилашда сўфийларнинг илм ҳосил қилиш йўлидаги сабот ва матонатлари, устоз-шоғирдлик анъаналари тарихий ибрат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижалари, назарий хулосалардан маданий-маърифий тадбирлар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин³⁸. Диссертациянинг назарий умумлашмалари ва материалларидан «Фалсафа тарихи», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Ўзбекистон тарихи», «Диншунослик» фанлари бўйича махсус курс дастури, ўқув-услугий қўлланма тузиш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижалари аҳоли турли қатламлари ўртасида ўтказиладиган диний-маърифий мавзудаги суҳбатлар матнини тайёрлашда, халқимиз ўртасида анъана

³⁸ Рўзматзода Қ. Марказий Осиёда XVII-XVIII асрлар тасаввуф адабиёти ва таълимоти. Услугий қўлланма. Фарғона давлат университети, 2019. – 100 б.

тусини олган «хувайдохонлик», «машрабхонлик», «навоийхонлик» тадбирларини янада жонлантиришда муҳим манба бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар раҳбарлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, аввало, тасаввуфнинг фалсафий моҳияти, сўфийлик тариқатларининг шаклланиши, гуллаб – яшнаши ва инқирози тўғрисидаги билимларни янада бойитади; Хожамназар Хувайдо издошларининг тасаввуфий қарашларини ўрганишда назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Хожамназар Хувайдо, Бобораҳим Машраб, Сўфий Оллоҳёр сингари аجدодларимизнинг дин ва тасаввуфни ҳалокатдан қутқариш йўлидаги маънавий жасоратлари миллий ғурур, тарихий онг ва хотирани тиклашда муҳим манба бўлиши мумкин.

Илмий хулосалардан ижтимоий – гуманитар фанлар бўйича тайёрланган ўқув қўлланмалари, дарслик ва услубий тавсияномаларнинг илмий – методик базасини такомиллаштиришда, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларини таҳлил қилиш ва унинг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожига ўрнини ўрганиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ва қуйидаги илмий тадқиқот натижалари жорий қилинган:

тасаввуфнинг илмий - фалсафий (рационал-мантиқий билиш) ва диний концепциялари (олам, Худо ва инсон моҳиятини қалб билан билиш) бир-биридан фарқланганлиги илмий янгилиги 2004 йили “Шарқ” нашриётида чоп этилган Фалсафа: қомусий луғат»нинг «Тасаввуф» мақолада (ўз аксини топган («Шарқ» НМАК таҳририяти бош муҳаррири имзолаган 14. 05 19 й. № 9-428 сонли далолатнома). Тасаввуф ислом цивилизациясини ҳаракатлантирувчи куч эканлиги тўғрисидаги илмий хулосалардан Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази тадқиқот ва тарғибот ишларида фойдаланган (Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директорининг № 152/ 19. 15 апрел 2019 йилдаги далолатномаси). Ушбу илмий натижалар Ўзбекистон ислом цивилизация маркази тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш имконини берган;

Хожамназар Хувайдонинг таржимаи ҳоли, диний-мистик мероси, унинг издошларининг диний-тасаввуфий қарашлари билан компративистик нуқтаи назардан очиқ берилишига оид илмий янгиликлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Дунё бўйлаб» телеканали «Зиёрат» кўрсатувининг ижодий жамоаси Фарғона вилоятининг Чимён қишлоғига бориб тайёрлаган махсус сонидан фойдаланган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Дунё бўйлаб» телеканали ДУК директорининг 2019 йил 25 февраль куни берган 08-14-94 рақамли далолатномаси). Шунингдек,

Хожамназар Хувайдонинг таржимаи ҳолига доир илмий янгиликлар «Хувайдо Хожаназар Ғойибназар ўғли» (Фалсафа: қомусий луғат. -Тошкент: Шарқ, 2004. Б. 491)даги мақолада ўз ифодасини топган («Шарқ» НМАК таҳририяти бош муҳаррири имзолаган 14.05 19 й. № 9-428 сонли далолатнома). Илмий натижалар Хожамназар Хувайдонинг ҳаёти ва фаолиятига доир турлича ва ҳатто бир-бирига зид қарашларга чек қўйиш имконини берган ва буюк мутасаввиф шоир биографиясига илмий аниқлик киритган;

нақшбандия тариқатининг изчил давомчилари (Бобораҳим Машраб, Сўфий Оллоҳёр)нинг издоши бўлган Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг ўзига хос хусусиятлари (нақшбандиянинг кошғар мактабига мансублиги, яссавия, мавлавия, маломатия, қодирия, зайния тариқатлари ғояларини тарғиб этиши, авом халқ маънавиятини юксалтиришга интилиши) тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги тамойили асосида очиб берилишига доир илмий хулосалардан Республика маънавият ва маърифат марказининг «2018 йилда Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури»нинг VII боб «Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари» 55-банди «Буюк алломаларимиз машҳур асарларининг қисқача шарҳи ва мазмунини очиб берувчи Мобил илова яратиш ва ишга тушириш»да кенг фойдаланилган. Диссертацияда келтирилган Хожамназар Хувайдо дунёқарашининг ўзига хослиги ва ёшлар таълим-тарбиясига оид бунёдкор ғояларидан глобал таҳликали замонда зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш, ёшлар орасида маънавий мерос, миллий ғоя, маънавий тараққиёт ва аجدодларимизнинг маънавий мероси тарғиботига қаратилган таклиф ва тавсиялардан Республика маънавият ва маърифат марказининг 2017 – 2018 йиллардаги иш режасида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари имзолаган 02/09-466-19 «06» 05. 2019 йилдаги далолатнома). Хуллас, мазкур тадқиқот республика маънавий-маърифий марказининг иш самарадорлигини янада яшилашга ёрдам берган;

XVII – XVIII асрларда Марказий Осиёда сурункали давом этган маънавий, ижтимоий – сиёсий инқирознинг сабаблари (илмсизлик, молу дунёга хирс қўйиш, жаҳолат, мунофиқлик) ва уларни бартараф этишда Хожамназар Хувайдо тасаввуфий қарашларининг ижобий таъсири илмий асосланишига доир назарий хулосалардан Ўзбекистон мусулмонлар идораси мамлакатимиз аҳолиси ўртасида олиб бораётган маънавий-маърифий тарғибот ишларида кенг фойдаланяпти. Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий қарашлари ўн саккизинчи асрда Кўқон хонлигида кенг ёйилган сохта тариқатчилик, риёкорлик, таъмагирлик, мунофиқлик, кибр, кизб (ёлғончилик) сингари иллатларга қарши курашда муҳим роль ўйнаганлигини тасдиқловчи илмий далил ва хулосалари ҳозирги кунда ҳам жаҳолатга қарши маърифат билан курашда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир (Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси ўринбосари имзолаган 2019 йил 14 майдаги №

1234 далолатнома). Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур тадқиқот жараёнида олинган натижалар Ўзбекистон мусулмонлар идораси илмий жамоасининг аҳоли ўртасида сохта тариқатчилик, мунофиқлик, риёкорлик, диний мутаассиблик сингари иллатларга қарши кураш самарадорлигини оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

Хожамназар Хувайдо Марказий Осиё тасаввуфи ва маърифатпарварлиги тарихида биринчи бўлиб барча мусулмонларнинг мажбурий бошланғич таълим олиши зарурлиги ғоясини илгари суриб, уни ҳаётга жорий этиши асосланиши тўғрисидаги муҳим илмий янгиликдан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши халқимиз маънавияти, диний билим ва савиясини юксалтиришга қаратилган семинар ва суҳбатлар ташкил этишда кенг фойдаланяпти (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раиси ўринбосари имзолаган 2019 йил 10. 05. 02-02/ 257- сонли далолатнома). Ушбу тадқиқот натижалари маҳаллаларда ёшларни одоб-ахлоқли, илм-маърифатли ва баркамол шахс сифатида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва аجدодлар меросидан фахрланиш туйғуларини юксалтириш ва аҳоли ўртасида олиб бораётган маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси

Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар 2 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Илмий натижаларнинг эълон қилинганлиги

Диссертация мавзуи бўйича жами 29 та илмий мақола, битта монография ва битта ўқув қўлланма чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, шундан учтаси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 262 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари белгиланган; республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мос эканлиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очилган; тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «Тасаввуфнинг фалсафий моҳияти»ни тадқиқ этиш, муаммони ўрганишнинг назарий-методологик масалалари таҳлилига бағишланган.

Мамлакатимизда тасаввуфнинг илмий-фалсафий концепциясига бағишланган академик тадқиқот яратилмаганлиги, «ҳозиргача нақшбандияни жиддий ўрганиш бошланмаганлиги» (Девин ДиУис) каби ҳолатлар мазкур тадқиқотнинг биринчи бобида тасаввуфнинг илмий-фалсафий моҳиятини билиш йўлида эришилган илмий натижаларни умумлаштириш ва бу тушунчага илмий – фалсафий таъриф беришни талаб этади.

Профессор Александр Кнышнинг «Мусульманский мистицизм. Краткая история» монографияси мазкур ишнинг биринчи бобида кўзланган вазифани ҳал этишда муҳим манба бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Тадқиқотчининг фикрича, мустабид совет тузуми шароитида танҳо ҳукмронлик қилган материалистик фалсафа ва коммунистик мафкурага асосланган жамиятшунослик фанлари ислом динини бирёқлама инкор этди ва ислом тасаввуфи моҳиятини илмий асосда ўрганишга эътибор бермади.

Миллий мустақиллик шароитида адабиётшунос Нажмиддин Комиловнинг тасаввуф масалаларига бағишланган икки китоби³⁹ни тасаввуфнинг илмий - академик тадқиқи дейишдан кўра адабиётшунослар ва кенг китобхонлар учун тасаввуф ҳақида умумий тушунча бериш йўлидаги илк қадам дейиш тўғрироқ бўлади.

Агар ўтган чорак аср мобайнида файласуфларнинг 4 та докторлик⁴⁰ ва 5 та номзодлик диссертациялари, адабиётшуносларнинг 2 та докторлик⁴¹ ва 3 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган, турк олимлари ва адибларининг ўнга яқин асарлари ўзбек тилида чоп этилган бўлса, тасаввуф моҳиятини фалсафий билиш борасидаги ишларимиз бугунги талаблар даражасида эканлигидан далолат бермайди.

Ғарб олимлари У. Жемс, Р. Отто, рус файласуфлари С. Н. Булгаков, П. А. Флоренский, В. Н. Лосский, Н. А. Бердяев XIX аср охири – XX аср бошларида мистицизм моҳиятини билишга ҳаракат қилдилар ва мистицизмнинг инсоният маданий ҳаётида жуда муҳим роль ўйнашини ва унга юзаки ёндашиш хато эканлигини таъкидладилар⁴².

Идеалистик фалсафий дунёқараш барча тараққий этган мамлакатлар халқлари элитар қатлами (зиёлилар, тадбиркорлар, давлат, фан, санъат ва ҳ.о. аҳли)нинг дунёқарашини, ҳаёт ва тафаккур тарзи эди. Материалистик

³⁹ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1996; Комилов Н. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. -Тошкент, Ўзбекистон, 1999.

⁴⁰Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии (IX-XIII вв.). Автореферат дисс. докт. филос. наук. – Т.: 1993.; Наврўзова Гулчехра Нигматовна. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Докт. дисс. автореферати. Тошкент, 2002.; Сафарова Г. Фундаментализм, экстремизм ва терроризмга қарши ғоявий курашда тасаввуф таълимотини ва ирфоний қарашларнинг аҳамияти. Фалс. Фан. док. Дисс. автореферати. Т.: 2004 ; Маматов М. А. Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти. Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: 2018.

⁴¹ Абдукодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ал-вужуд проблемаси бўйича). Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 1998. Ҳаққулов И. Ч. Ўзбек тасаввуф шеърининг шаклланиши ва тараққиёти (ғоявийлик, издошлик, образлар олами). Филолог.фан. доктори диссертация автореферати. –Тошкент, 1995;

⁴² Жиртуева Н.С. Творчество в мистических традициях мира // Вопросы философии. 2017. № 9. С. 141.

дунёқараш эса ҳамма замонларда ҳам жамият аъзоларининг кўпчилигини ташкил этадиган кенг авом халқнинг дунёқарашини, ҳаёт ва фикрлаш тарзини бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Ислом тасаввуфининг Абу Ҳомид Ғаззолий, Ибн Арабий, Жалолоддин Румий сингари буюк назарийчи, мутафаккирлари инсон ақли ва тафаккури Худо, олам ва инсоннинг туб фалсафий моҳиятини билишга ожиз эканлигини, инсон қалби ва тасавури орқалигина Худога яқинлашиши, ўзини ҳам жисман, ҳам руҳан поклаш ва тажрибали шайх раҳбарлигида руҳий машқларни бажариш, ҳол илми ва амалиёти орқалигина илоҳий сирларни билиши мумкинлигини таъкидладилар; тасаввуфий тушунча ва атамалар моҳиятини чуқур таҳлил қилдилар.

Бизда ҳалигача олим шахсининг шаклланмаганлиги мустақиллик йилларида чоп этилган монография ва диссертацияларда яққол кўзга ташлана бошлади: илмий холислик ва танқидий ёндашиш принципларига зид ўлароқ тасаввуфшунос-олимлар ва файласуфларнинг тасаввуф моҳиятини диний тушуниш ва илмий билишнинг фарқига бормаслик, қандай қилиб бўлмасин тасаввуфни бирёқлама идеаллаштириш ва ҳатто буюк мутасаввифларнинг ўз даври учун зарур ва тўғри бўлган ғояларини замонавийлаштиришга уринишлари, олимликни тарк этиб, сўфийлик амалиёти билан шуғулланишга ружъу қўйишларида яққол кўзга ташлана бошлади.

Карл Попперга кўра, «фан методи назарияни рад этиши мумкин бўлган фактларни қўлга киритишдадир. Биз илмий назарияни текшириш деганда унда камчилик ва нуқсонлар йўқлигини топишга уринишни тушунамиз. Айни шу назарияни рад этиш ёки фалсификация қилиш имкониятининг мавжудлиги уни текшириш имконияти мавжудлигини, бинобарин, унинг илмий характерини белгилайди»⁴³.

Диссертант тасаввуф моҳиятини билишнинг: 1) илмий ва 2) диний концепциялари мавжудлигини алоҳида таъкидлайди. Фан равнақи тадқиқотчидан объектни холис, изчил ва системали равишда ўрганишни, воқеликка ва фактларга танқидий ёндашишни, соҳа мутахассислари билан баҳслашишни, танқид учун очиқ бўлишни талаб этади. Дин уламолари эса, аксинча, баҳслашишни харом деб ҳисоблайдилар, манба ва дилилларга танқидий ёндашишни истамайдилар. Фан кишилари ақл далилларини муҳим деб ҳисобласалар, уламолар эътиқодни биринчи ўринга қўядилар. Ғарб олимларининг асарларига ишончсизлик ва беписандлик билан қарайдилар.

Ҳамма замонларда ҳам фан билан нисбатан оз кишилар шуғуллангани сингари ўрта асрлар мусулмон жамиятида тасаввуф илми ва амалиёти билан ҳам нисбатан оз кишилар шуғулланганлар.

Шу ўринда машҳур инглиз шарқшуноси Ж. С. Тримингэмнинг қуйидаги хулосаларини эслаш ўринлидир: «тасаввуфий Йўл илгаригидек инсониятнинг маънавий эсон-омонлигини сақлаш учун муҳим бўлиб қолмоқда»⁴⁴.

⁴³ Поппер Карл Раймунд. Открытое общество и его враги. Т.2.(перевод с английского, под общей редакцией В. Н. Садовского. - М., 1992. С. 300.

⁴⁴ Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе (перевод с английского. Под редакцией и примечание О.

Диссертантнинг таъкидлашича, Ислом тасаввуфи ва цивилизациясининг келиб чиқиши шарқ менталлиги билан боғлиқ эди. Ана шу масала, афсуски, тасаввуфшунос тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Барча Шарқ халқлари, жумладан, Шарқ мусулмонлари минг йиллар давомида Шарқнинг инсон ҳаёти учун қулайликларга эга бўлган барча имкониятлари: унумдор ер, суғориладиган деҳқончилик, қулай иқлим шароити, ер ости бойликларидан, яъни Худонинг ўз бандалари учун яратган неъматларидан фойдаланиб, табиат билан уйғунликда яшаб келдилар. Шарқ табиати сахий ва мурувватли эди: инсон эҳтиёжларини бемалол қондирар эди. Табиат ва жамиятдаги тартиб ҳам Илоҳий Ақлга мувофиқ эди; уни ўзгартиришга зарурият йўқ ва бундай аралаштириш қораланади.

Диссертант тасаввуфнинг пайдо бўлиши масаласида бир гуруҳ Шарқ ва Ғарб олимларининг тасаввуф элементлари амалиёт, хос кишиларнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи сифатида Муҳаммад пайғамбар замонларида мавжуд эди, деган фикрни қўллаб-қувватлайди. Хусусан, туркиялик олим Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал - Жазарий Муҳаммад пайғамбар даврида «тасаввуф», «тарикат» атамалари қўлланилмаган бўлса-да, тасаввуф амалиёт сифатида мавжуд бўлганлигини асослашга ҳаракат қилди⁴⁵. И. П. Петрушевскийга кўра, немис шарқшуноси Ф. А. Толук сўфизмнинг илдизларини ислом динининг пайдо бўлиш вақти ва ҳатто Муҳаммад пайғамбарнинг ўзи билан боғлаш зарурлигини таъкидлаган⁴⁶. Дин ва фан аҳлининг тасаввуфнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисидаги қарашлари, мазкур муаммо моҳиятини билишга турлича ёндашишлари, сабаб ва оқибат муносабатларини турлича тушунишлари билан боғлиқдир.

Тасаввуфнинг келиб чиқиши ва моҳиятини иқтисодий-сиёсий таназзул билан изоҳлаш мунозаралидир. Диссертантнинг таъкидлашича, биринчидан, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар маънавий-ахлоқий таназзул билан, хато қарашлар ва янглишишлар билан боғлиқдир (ахлоқий онг ва тафаккурдаги бузилишлар охир-оқибатда бутун жамиятнинг инқирозга юз тутишига олиб келади. Шу боисдан ҳам Сократдан тортиб барча буюк мутафаккирлар, пайғамбарлар ва авлиёлар ўз таълимотларини инсон ахлоқини тузатишга, ахлоқий онгни такомиллаштиришга қаратганлар).

Иккинчидан, сўфийлар оддий авом халққа мансуб бўлмаганлар. Уларнинг барчаси жамиятнинг юқори – аҳли хослар қатламига мансуб бўлиб, ўзига тўқ, илмли, маърифатли, жамиятнинг маънавий ҳаёти учун масъул кишилар эдилар. Улар жамиятнинг тақдири учун ўзларини масъул деб билганлар. Замондошларининг камчилик ва нуқсонларини ўзларининг камчилик ва нуқсонлари деб ҳисоблаганлар. Уларнинг илғор ғоя ва таълимотлари жамиятнинг қуйи қатлами - аҳли омга эмас, балки аҳли хосларга қаратилган; ўз кашфиётларини авомдан сир сақлаганлар.

Ф. Акимовна). - М., 2002. С. 298.

⁴⁵ Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. - Тошкент: Моварауннахр, 1999. Б. 96-97.

⁴⁶ Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. Курс лекций. -Ленинград: Ленинградский университет, 1966. С. 312.

Тасаввуф сўфий (дарвиш)нинг муршид раҳбарлигида руҳий машқлар (зикр, хилват, кўшимча ибодат, тунларни бедор ўтказиш, кўшимча рўза тутиш, самоъ) ёрдамида руҳ оламига чуқурроқ кириб бориш орқали кашф ва кароматлар қилиши, ғайб илмини эгаллашидир. Бу ҳолат ҳар бир муридда турлича кечадиган ўта индивидуал психик ҳолатдир. Ҳар бир сўфийнинг Илоҳий ҳақиқатларни кашф этиш қобилияти ўзига хос бўлиб, бири иккинчисига ўхшамайди. Тасаввуф тарихида ҳар бир сўфийнинг тажрибасидан келиб чиқиб, тасаввуфга ниҳоятда хилма хил таърифлар бериб келинди. Тасаввуфнинг энг қимматли ва эътиборга лойиқ жиҳати – диний таълимот асосида баркамол инсонни вояга етказиши, уни авом халққа ибрат қилиб кўрсатиши, ҳар қандай зулм ва адолатсизлик, жаҳолат ва нодонликка қарши илм - маърифат билан курашишидир.

Мусулмон сўфийлари ўрта аср шароитида Муҳаммад пайғамбарнинг даъватлари ва таълимоти асосида ўзига хос ислом маданияти ва цивилизациясини барпо этдилар. Бу цивилизация жаҳон маданияти ва цивилизацияси ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Диссертант тасаввуфга қуйидагича таъриф беришни таклиф этади: **тасаввуф – ўрта асрлар мусулмон жамияти хос аҳлининг ҳаёт, турмуш ва тафаккур тарзини белгилаган диний-фалсафий таълимот; ваҳшийлик, зулм, адолатсизлик, жаҳолат, нодонлик ва имонсизликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши бўлган ислом цивилизациясини ҳаракатлантирувчи куч; рационализмга зид равишда Худо, олам ва инсон моҳиятини билишнинг алоҳида усули; Илоҳий маърифат асосида комил инсон шахсини яратишга, анъанавий жамият кадриятларини сақлаш ва тарғиб этишга буюрилган алоҳида социал институтдир.**

Тадқиқотчи тасаввуф айрим Ғарб тадқиқотчиларининг мусулмон тасаввуфи яхлит таълимот эмас, деган қарашларига зид равишда тасаввуф илм, амал ва сўфий шахсини ўзида мужассамлаштирувчи социал институт эканлигини, унинг таълимот сифатида шаклланиши Ҳаким ат-Термизий, Абу Ҳомид Ғаззолий, Муҳйиддин Ибн Арабий сингари ўнлаб буюк тасаввуф назариётчиларининг, буюк тасаввуф шайхларининг фаолияти билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Тасаввуф таълимот сифатида диний ақидапарастлик, мутаассибликни бартараф этишда, амалиёт сифатида буюк шайхлар раҳнамолигида диний тўғарак – тариқатларнинг шаклланиши ва сўфий шахсининг камол топишида яққол намоён бўлди. Диссертантнинг таъкидлашича, тариқатлар хилма хиллиги ислом тасаввуфига хос плюрализмнинг ёрқин намоён бўлиши эди.

Сўфий «оламда бўлиши, аммо оламга мансуб бўлмаслиги мумкин, шуҳратпарастликдан, интеллектуал димоғдорликдан ҳоли бўлиши; урф-одатларга кўр-кўрона бўйсунувчи ёки мансабдор шахс олдида кўрқувдан бош эгувчи бўлмаслиги керак – ана шу сўфийнинг идеалидир»⁴⁷.

Алишер Навоий сўфийлар шахси ҳақида: «Бу тоифақим, валояту каромат аҳлидирлар ва халойиққа иршоду уҳда қилурлар, муборак зотларининг

⁴⁷ Роберт Грейвс. Введение – Идрис Шах. Суфизм. Москва. «Калашников. Комаров и К.», 1994. С.5.

баракоти бу миллат бошидин кам бўлмағай. Аввал тавба қиладилар. Оллоҳ таоло уларни гуноҳ ишлардан асрайди. Ҳалол таом ейдилар, шубҳали таомлардан ўзларини сақлайдилар. Машхур машойихлар косиб Оллоҳнинг суйган бандасидир, деган ҳадисга риоя қилиб, бирон бир касб билан шуғулланадилар.

Шундан кейин улар шариатга қатъий риоя қиладилар. Бу тоифанинг энг улуғ иши шариатга риоя қилиш ва суннатга эргашишдир. Яна улар бутун вужудлари билан шариатга ва тариқат одобига риоя қиладилар. Улар яхшию ёмонга ҳам, каттаю кичикка ҳам одоб бажо келтирадилар. Ўзларини барча халойиқдан кичик ва камроқ тутадилар, барчанинг хузурида хизмат қиладилар. Ҳатто ўз фарзандлари ва қулларидан қанча беқоидалик кўрсалар ҳам уларга қўполлик қилмайдилар, балки юмшоқ ва чучук тил билан насиҳат қиладилар, ҳатто ўғрига ҳам яхши муомала қиладилар»⁴⁸ - деб ёзди.

Диссертантнинг фикрича, тасаввуфий тажриба, илм ва таълимотни мантиқий тушунчалар орқали ифодалаш имкониятининг йўқлиги ўзига хос тасаввуф шеъриятини дунёга келтирди. Буюк сўфий шайхлар ўз мистик кечинма ва тажрибаларини ифодалашда шеъриятнинг бой имкониятларидан кенг фойдаландилар: Ибн Арабий, Шамсиддин Табризий, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари тасаввуфнинг буюк мутафаккирлари олим ва шоирлар эдилар.

Тасаввуф адабиёти ғоят мураккаб, анча чуқур ва пухта ўйланган, рамзийлик ва мажозийлик катта ўрин эгаллайдиган бадиий ижод шакли эди. Тасаввуф адабиёти ва шеъриятининг шаклланишида араб шеъриятининг таъсири катта бўлган. Қуръон шеъриятнинг саж вазнида ваҳий қилинган бўлиб, ўзининг оҳангдорлиги, таъсирчанлиги ва жозибаторлиги билан тингловчи қалбини ларзага солган; энг муҳими – уни ёд олишда алоҳида қулайликка эга бўлган. Америкалик шарқшунос Карл Эрнстнинг таъкидлашича, «Қуръон ўзининг келиб чиқишига кўра илоҳий ҳодиса эди, инсон кўлининг иши эмас эди, шу боисдан ҳам у ҳаётни ўзгартирди, оддий поэзия бундай қила олмас эди»⁴⁹.

Диссертант тадқиқотнинг биринчи боби бўйича қуйидаги муҳим хулосани илгари суради:

- тасаввуф диний-ижтимоий ҳодиса сифатида борлиқ ва билишнинг моҳиятини ўрганишнинг рационализмга зид бўлган алоҳида шакли ва усулидир;
- тасаввуф моҳиятини билишга цивилизацияли ёндашиш орқалигина тасаввуфнинг фалсафий моҳиятини тўғри тушуниш мумкин: тасаввуф ислом цивилизацияси билан айна бир вақтда вужудга келди; Муҳаммад пайғамбар ва унинг чорёрлари, саҳобаларининг ҳаёт, турмуш ва фикрлаш тарзида сўфийлар одоби, маънавияти амалда мавжуд эди (бу ерда гап «тасаввуф»

⁴⁸ Алишер Навоий. Насойим ул муҳаббат. // Ислом тасаввуфи манбалари., Т., 2005. 251 -252 – б.

⁴⁹ Эрнст К. Суфизм. Москва, 2002. С.198.

атамасининг пайдо бўлиши ва тасаввуфнинг диний-ижтимоий ҳаракатга айланиши ҳақида эмас, балки унинг генезиси ҳақида боряпти);

- тасаввуф ва диннинг ўзаро муносабати моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл муносабатлари сингари ғоят мураккаб ва бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳодисалардир. Тасаввуф минг йиллар давомида динни фаоллаштирувчи, жонлантирувчи муҳим омил бўлиб келди;

Диссертациянинг иккинчи боби «**Хожамназар Хувайдо ижодини ўрганишнинг назарий-методологик асослари ва таҳлили**»га бағишланган. Мазкур боб Хожамназар Хувайдо яшаб ижод қилган тарихий давр хусусиятларини очиб беришга қаратилган бўлиб, бу давр аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон (1711-1747) даврида Бухоро амирлигининг инқирозга юз ўгириши ва Қўқон хонлигининг Бухоро амирлиги таркибидан ажралиб чиқиши билан боғлиқ бўлиб, муаллиф муҳим ўзгаришлар моҳиятини тарихий манбалар асосида очиб беришга ҳаракат қилади. Шоҳруҳбий (1709-1721) даврида хонлик таркибига фақат Қўқон, Марғилон, Наманган, Конибодом ва Исфара кирган бўлиб, унинг ўғиллари Абдурахимбий (1721-1733), Абдукаримбий (1733-1750) даврида хонлик худудига Андижон, Хўжанд ва Самарқанд кўшиб олинади. Албатта, бундай ҳарбий юришлар аҳолидан ундириладиган солиқларни оширишни талаб этган. Бунинг устига 1746-1747 йиллари қалмиқларнинг Фарғона водийсига қилган босқинчилик юриши Марғилон, Наманган шаҳарларининг талон-тарож қилинишига олиб келади. Хожамназар Хувайдо мамлакатда рўй берган ана шундай талон-тарож урушларнинг аянчли оқибатларига гувоҳ бўлди.

Қўқон тахтини Абдукаримбийнинг набираси Норбўтабий бошқарган 1763-1798 йиллардагина нисбатан ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади. Лекин мамлакат хавфсизлигига ички душманлар – сохта, риёкор ва мунофиқ сўфийлар жиддий таҳдид сола бошлайдилар. Худоёрхонзоданинг ёзишича, Қўқон хонлигида Эрдонахон давридан (1751-1758) то Норбўтабий (Абдулҳамидхон) даври (1747-1799) гача бўлган 50 йил мобайнида «Фарғона ўлкаси **беасл** ва **бенасаб** (таъкид бизники – Қ. Р.) бўлган кўпгина шайх ва саййидлардан тўлиб кетди. Ҳар қандай жўғи, лўли ёки бирор маккор бошқа жойлардан келиб ходийлик ва саййидликка даъво қиларди»⁵⁰. Чуст, Наманган, Хўжанд беклари Қўқон хонлиги таркибидан ажралиб чиқишга интилдилар.

Мазкур бобда диссертант Хожамназар Хувайдонинг таржимаи ҳолига оид мунозарали масалаларга ойдинлик киритишга, янги илмий манбалар асосида мутасаввиф шоирнинг илмий биографиясини яратишга алоҳида эътибор берган.

Хожамназар Ғойибназар ўғли тахминан 1704 - 1705 йилларда Чимён қишлоғида руҳоний Ғойибназар эшон хонадонидан дунёга келди («Хувайдо» шоирнинг адабий таҳаллуси бўлиб, «ошкор қилиш», «намоён этиш», «очик», «равшан» сингари маъноларни англатади). Бу ҳақда шоир: «Хожаназар

⁵⁰ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих (Тарих юлдузлари). –Т.: Fan va texnologiya, 2014. 161-б.

осийга кўйдим Хувайдони лақаб, Бул ғариби мустамандни шаҳри Чимёндин тила»⁵¹ – деб ёзди.

Хожамназарнинг отаси Ғойибназар ўшлик эшонлар авлодидан бўлиб, Ўш шаҳрида бошланғич диний билим олганидан сўнг ўзига комил пир излаб, кўп шаҳарларни кезади ва ниҳоят, кошғарлик Офоқ хожанинг таъриф тавсифини эшитгач, унинг даргоҳига бориб, мурид бўлади. Ўттиз йил унинг хизматида бўлиб, маънавий камолотга эришганидан сўнг пирнинг ижозати ва тавсияси билан унинг Марғилонда эшонлик қилаётган ўғли Хожа Ҳасан Муҳйиддин даргоҳига келади. Хожа Ҳасан Муҳйиддин халқ ўртасида Хожам Пошшо номи билан машҳур бўлиб, унинг ихлосманд муридларидан бўлган чимёнлик киши Ғойибназарга қизини беради. Ғойибназар эшон Чимённинг «Кўрик» маҳалласида чимдан уй қуриб, шу ерда эшонлик қилади ва 1693 йили Чимёнда биринчи ибодатхона (масжид) қуради.

Хожамназар Хувайдо ўз устозлари (Бобораҳим Машраб, Сўфий Оллоҳёр)дан фарқли равишда руҳоний, сўфий оиласида дунёга келди, болалигиданоқ отаси ва Хожа Ҳасан Муҳйиддиндан барча диний илмларни пухта эгаллади. Лекин мадраса илмини олган эмас. Унинг ғазалларида ана шунга очиқ ишоралар учрайди: у «ақойидхони ишқ», яъни Илоҳий ишқ саводини мустақил эгаллади. Чимёнлик қиз билан оила қурди. Биринчи фарзанди Холмуҳаммад туғилганидан сўнг Хувайдо илоҳий ишқ йўлига киради. Бунинг оқибатида барча қавму қариндошлари ундан юз ўгириб, тамоми бегоналар бўлганлигини рўй рост ёзди.

Хожамназар Хувайдо бошланғич диний мактаб (дабистон)да толибларга илм беради, хунармандчилик билан ҳам шуғулланади; расулуллоҳ суннатлари, нақшбандия ғояларига тўла амал қилиб, подшоларга яқин бормай, хонлик пойтахтидан олисдаги чекка бир қишлоқ – (ўзининг таъбири билан айтганда) «шаҳри Чимён»да худди Баҳоуддин Нақшбанд сингари фақирона ҳаёт кечиради.

Ўзининг авлиёлик сифатларини одамларга ошкор қилишни хоҳламайди. Кичик замондоши Носеҳ Чимёнийнинг ёзишича, Хожамназар Хувайдо ҳар доим нафси аммора ва шайтонларга қарши мурасасиз жанг қилади, Иброҳим Адҳам сингари марди Худо бўлишга интилади. Самарали ижод қилиб, ўзидан бой мерос қолдиради. Хижрий 1194 (1780) йили оламдан ўтади.

Ўғли Холмуҳаммад Чимёнда вояга етиб, уйланиб, икки ўғиллик бўлади: катта ўғли Шарафиддинни Чимёнда қолдириб, 1822 йили кичик ўғли Сирожиддинни ўзи билан бирга олиб, боболари юрти бўлган Ўш шаҳрига кўчиб боради. У ерда қирқ йил эшонлик қилиб, 1855 йили оламдан ўтади. Ўғли Сирожиддин (ваф. 1877 й.) бобоси анъаналарини давом эттириб, «Сирожий» тахаллуси билан тасаввуфий шеърлар ёзиб, девон тузади. Унинг қизи Самар Бону (1837- 1891 й.) истеъдодли шоира бўлиб етишади ва шеърий девон тузиб, буюк боболари анъанасини давом эттиради. Ўғли Салоҳиддин (1838-1910) «Соқиб» тахаллуси билан ижод қилган ва шеърий девон тузган.

⁵¹ Хожамназар Хувайдо. Девон. Иккинчи нашр. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. 53-б.

Холмухаммаднинг чимёнлик ўғли Шарафиддин биринчи марта хаж зиёратини адо этганидан сўнг халқ орасида Хожимухаммад номи билан эъзозланади. Чимёндаги хонақода шайхлик қилади. Иккинчи марта хаж зиёратига бориб, ўша ерда 1877 йили вафот этади. Унинг ўғли Фахриддин (1832-1919) «Хокий» тахаллуси билан шеърлар ёзиб, девон тузади⁵². Фахриддин эшон Хокий боболари анъаналарини давом эттириб, хижрий 1325 (1906) йили масжид барпо этади ва эски биноларини таъмирлайди. Буюк бобоси Хожамназар Хувайдо ва Сўфий Оллоҳёрнинг барча шеърларини битта китобга кўчиради⁵³.

Фахриддин эшоннинг икки ўғли: Азизиддин ва Мухториддинни чимёнликлар Азизқори, Мухторхожи номи билан эъзозлаганлар. Мухториддин (ваф. 1954 й.)нинг Абобакр Мақсум (1926-1959 йй) ва Жалолиддин Мақсум (1930-2002) исмли ўғиллари жамоа хўжалигида турли лавозимларда ишладилар.

Хожамназар Хувайдонинг авлодлари 30-йилларда рухоний ва эшонларга қарши амалга оширилган қатағон сиёсати туфайли Ўрта Осиёнинг турли республикалари (Қирғизистон, Тожикистон) ва вилоятларида ҳозиргача истиқомат қилиб, боболари анъаналарини давом эттиряптилар⁵⁴.

Диссертантнинг таъкидлашича, Хожамназар Хувайдо Девони кўлёмалари республикамиз ва Яқин Шарқ мамлакатлари кутубхоналарида сақланади. Биргина Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтининг кўлёмалар хазинасида 12312, 9927, 11513, 7522, 7486, 6957, 9817, 7154 рақамли еттита кўлёмма девони сақланяпти.

Хожамназар Хувайдонинг бизгача «Китоби эшон Хувайдойи Чимёний» шеърий Девони, «Роҳати дил» манзумаси ва «Ҳикояти султон Иброҳим Адҳам» асарлари тўлиқ ҳолда етиб келган.

Хожамназар Хувайдо Бобораҳим Машраб изидан бориб, бадиий ижодда ўзбек мумтоз адабиётининг барча шеърий жанрларида ижод қилди: девонига киритилган шеърлари жами 5082 мисрани, «Роҳати дил», «Ҳикояти султон Иброҳим Адҳам» асарига киритилган маснавийси 5198 мисрани (жами 10 минг 280 мисра)ни ташкил этади.

«Хожамназар Хувайдо ғазаллари бадиий жиҳатдан ғоят пишиқ-пухта бўлиб, уларда турли бадиий санъатлардан моҳирона фойдаланиш, тил безаклари, сўз ўйинлари, Қуръон ва Ҳадислардан ўринли фойдаланиш, араб ҳарфлари ёрдамида турли мажозий иборалар яратиш кўзга яққол ташланиб туради. Шоирнинг араб, форс, ўзбек адабий тилини қанчалар яхши ва пухта билганлиги унинг бадиий маҳоратида ўз аксини топган. Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий иборалари ва шеърий услуби кўпроқ Аҳмад Яссавий ва Машраб йўлини тутганлигидан гувоҳлик беради. Шоир «Мано» радибли ғазалини Аҳмад Яссавийга назира қилиб ёзган бўлса, «Куяр»,

⁵² Хокийнинг мазкур кўлёмма девони чимёнлик хувайдошунос уламо Хожи Муҳаммадмусо Тўхтасинов (1949- 2015) шахсий кутубхонасида сақланяпти.

⁵³ Мазкур кўлёмма китоб Фахриддин эшон Хокийнинг авлодлари қўлида сақланяпти.

⁵⁴ Фозилов А. Хувайдонинг сурхондарёлик авлодлари. – Термиз: Насаф, 2004.

«Куйгай», «Ўзим», «Учрабман» радифли ғазалларини Машрабга назира қилиб ёзган»⁵⁵.

Хожамназар Хувайдо замондошларини Оллоҳнинг йўлига, яъни тариқатга киришга даъват этишдан олдин ўзининг бу йўлга киришдаги изтироб, иккиланиш, машаққат ва уқубатларини рўй-рост баён этди. Ўзидан илгари ўтган барча буюк сўфийлар сингари ишқ дардини барча дардлар (ижтимоий муаммолар)нинг давоси деб билди.

Сўфий шоирнинг таъкидлашича, нафс, орзу-хавас, аҳли авлод ва дунёга меҳр қўйиш бор экан, инсон гуноҳсиз яшай олмайди. Гуноҳларнинг ажри эса надомат ва тавба қилишдир.

Хожамназар Хувайдо ғазаллари орқали риёкорлик, иккиюзламачилик, таъмагирлик, жоҳиллик, шуҳратпарастлик, илмсизлик, нодонлик, кибр сингари иллатларни аёвсиз танқид қилди. Шу маънода унинг асарлари ўзига хос «миръоти қалб», яъни қалб кўзгуси вазифасини ўтади. Бу маърифатпарвар ва донишманд мутафаккирларга хос муҳит хислат бўлиб, Хожа Аҳмад Яссавий бошлаб берган адабий анъананинг ижодий ривожлантирилиши эди.

Унинг ижодида нақшбандия, яссавия, мавлавия, маломатия, қодирия, қаландария сингари тариқатларнинг илғор ғоялари уйғунлашди. Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлаганидек, «Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади»⁵⁶.

Хожамназар Хувайдо ўз шеърларига Қуръон оятлари, Ҳадис ҳикматлари ва тасаввуфий ғояларини сингдирди. «Хожамназар Хувайдо аксарият ғазал ва мухаммасларини, рубоийларини тариқат ва маърифат йўлидаги муридлари учун дастур сифатида ёзиб қолдирган»⁵⁷.

Диссертациянинг учинчи боби «**Хожамназар Хувайдо тасаввуфий қарашларининг ғоявий манбалари**» тадқиқига бағишланган. Диссертант Хожамназар Хувайдодан уч юз йил илгари яшаб ўтган ва нақшбандия тариқатига асос солган Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) таълимотининг туб фалсафий моҳияти ва бу таълимотнинг Хожамназар Хувайдо ижоди ва фаолиятига таъсирини ўрганишга ҳаракат қилган.

Муаллифнинг таъкидлашича, нақшбандия таълимоти Марказий Осиёнинг тарихий, маданий ва сиёсий марказларидан бири бўлган Бухоро шаҳрида XIV асрнинг иккинчи ярмида хожагон тариқатининг вориси сифатида дунёга келди. Шуҳратпарастликни инсон ва шахс камолоти йўлидаги офат деб билган хожагон-нақшбандия пирлари илмни Оллоҳнинг омонат эҳсони, буюк марҳамати сифатида кейинги авлодларга беришни, илм зиёси билан зулматни ёритиш, жаҳолат, нодонлик ва қашшоқликни бартараф этишни ўз олдларига асосий мақсад қилиб қўйганлар.

Ғарб олимларининг Марказий Осиёдаги яссавия, нақшбандия ва бошқа сўфий жамоалар анъаналарини ўрганиш борасида илгари сураётган илмий

⁵⁵ Исмаилов Абдуллоҳ, Қодиркул Рўзматзода. «Чароғи субҳидам янглиғ» // Хожамназар Хувайдо. Девон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. 9 - 10- бетлар.

⁵⁶ Абу Мухсин Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон. – Т.: 1993. Б.75.

⁵⁷ Иқромиддин Остонакул. Фарғоналик валийлар. – Тошкент: Моварауннаҳр, 2001. Б.41.

ғоялари мамлакатимиз нақшбандияшунослигида ижобий силжишларга умид бағишлайди. АҚШ Индиана университетининг профессори, Марказий Осиёдаги сўфий тариқатлар анъаналарини ўрганиш бўйича таниқли тадқиқотчи Девин ДиУиснинг таъкидлашича, «афсуски, ҳозиргача нақшбандияни жиддий ўрганиш бошланган эмас. Ана шундай тадқиқот бошлангандан кейингина куч-қудрати гуллаб-яшнаган нақшбандиянигина эмас, балки рақобатга бардош бериш қобилиятини йўқотган бошқа гуруҳларни ҳам кўриб чиқиш мумкин бўлади»⁵⁸.

Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний вафотидан сўнг Ўрта Осиёнинг, хусусан, Муҳаммад Хоразмшоҳ (1206-1220) давлатининг мўғуллар томонидан забт этилиши, аҳолининг шафқатсиз қирилиши, мамлакатнинг харобага айлантирилиши натижасида ҳимоясиз қолган мамлакат аҳолиси юз йил давом этган турғунлик ва зулмнинг ҳукм суриши шароитида Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига халқни бундай офатлардан қутқарувчи ҳалоскор таълимот сифатида қаради.

Диссертантга кўра, нақшбандиянинг Марказий Осиё ва мусулмон оламининг бошқа худудларида кенг ёйилган суҳравардия, шозилия, яссавия, кубровия, қодирия, қаландария, хилватия ва бошқа тариқатларга нисбатан етакчи мавқени эгаллаши заминида фақат зикри хуфия эмас, балки унинг камбағалпарварлиги ва жабрдийда халқни турли социал офатлардан ҳалос этишга бўлган интилиши ётади.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг Хожамназар Хувайдо дунёқарашига кучли таъсир кўрсатган муҳим ғоялар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Хожа Алоуддин Атторга кўра, Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқа (йўл)лари фақир, тарки дунё, алойиқдан кечиш, тўлик (маънавий) ёлғизлик, мосивонинг инкоридан иборат эди. Уларнинг муқаддас сўзлари фақирнинг исботи ва фуқаронинг муҳаббати эди⁵⁹.

- Нақшбандга кўра, дарвиш (сўфий)лар жамиятнинг маънавий ҳаёти учун масъулдирлар: Худо авлиёларни халқ юкини кўтариш учун яратган. «Улар олам юкини ўз елкаларига оладилар, ҳамиша халқ ғами билан яшайдилар».

Нақшбандга кўра, солиқнинг илоҳий маърифатга эришиш йўли уч қисмдан: муроқабга, мушоҳада ва муҳосабдан иборат. 1) муроқабга-Оллоҳга доимий назар қилиш билан одамларни унутиш; 2) мушоҳада солиққа илоҳий сир ва илоҳий маърифатнинг аён бўлиши; 3) мушоҳаба – солиқнинг ўз-ўзини, ўтган вақтини таҳлил қилиши ва кузатишидир⁶⁰.

⁵⁸ Девин ДиУис. *Машойихи турк и Ходжагон: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавия и Накшбандийа // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и ответственный редактор А.А. Хисматуллин. Санкт-Петербург, 2001. С. 242.*

⁵⁹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти ҳазрати хожа Нақшбанд) / Таҳрир хайъати: А. Рустам ва бошқ. Форсийдан таржима, сўзбоши ва луғат муаллифи Махмуд Махдум Ҳасанхон Махдум ўғли. - Т.: Ёзувчи, 1993. Б.55.

⁶⁰ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти ҳазрати хожа Нақшбанд) / Таҳрир хайъати: А. Рустам ва бошқ. Форсийдан таржима, сўзбоши ва луғат муаллифи Махмуд Махдум Ҳасанхон Махдум ўғли. - Т.: Ёзувчи, 1993. Б.88

«Нақшбандия тариқатининг энг асосий тарбия усули – суҳбат. Нақшбандийлар, суҳбатнинг фойдаси кўп, суҳбат орқали инсон қалбига кириб бориш мумкин, деб ҳисоблашган. Баҳоуддин Нақшбанднинг таълим беришича, хилватда шуҳрат бор: хилватга чекинган одам элдан ажралади, сўфийлигини элга ошкор қилади. Шундай қилиб, у шуҳрат қозонади. Шуҳрат қозонилган ерда эса офат бор. Жамъият, яъни кўпчилик ичида яхшилик ва барака бор. Жамъият эса суҳбат орқали пайдо қилинади»⁶¹.

Баҳоуддин Нақшбанднинг энг машҳур муридлари сифатида Хожа Алоуддин Аттор (ваф. 1393 й), Хожа Муҳаммад Порсо (ваф. 1419 й.), Мавлоно Ёқуб Чархий (ваф.1447 й.)ни кўрсатиш мумкин. Мавлоно Ёқуб Чархий Хожа Убайдулло Аҳрор (ваф.1490 й.)нинг пири эди.

Хожа Убайдулло Аҳрор ўзининг 40 йиллик фаолияти давомида нақшбандиянинг халқпарварлик, камбағалпарварлик, сулҳпарварлик моҳиятини тўлароқ рўёбга чиқаришга, теурий шахзодаларнинг қалбини забт этиш ва ишончини қозонишга, авомнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интилди. Нақшбандия унинг саъй-ҳаракатлари туфайли энг таъсирчан кучга айланди.

Диссертантнинг фикрича, нақшбандия пирларининг куч-қудрат манбаи кишиларни ҳалол меҳнат билан яшашга даъват этиши, фақирлар ҳақида ғамхўрлик қилиши, мусулмонларни бало ва офатлардан ҳалос этишга интилишида ва ўзгарган тарихий давр талабларига мос равишда ўз ғояларини ислоҳ қилишида эди. Хожа Убайдулло Аҳрор, Махдуми Аъзам Косоний-Дахбедий нақшбандия тарихидаги ана шундай ислоҳотчилар эдилар.

Шайбоний шахзодалар: Убайдуллахон, Жонибек Султон, Абдулазизхон нақшбандия шайхларини пир тутунибгина қолмай, балки ўзлари ҳам шайхлик мақомига интила бошлайдилар. Махдуми Аъзам шайбоний шахзодалар ўртасида нақшбандия ғояларини тарғиб этибгина қолмай, тарихий давр талабларига мос равишда нақшбандия ғояларини ихчамлаштириш, энгиллаштиришга қаратилган тасаввуфга доир ўттизга яқин асарлар яратди.

Мутафаккирнинг ёзишича, хожагон-нақшбандия тариқати биносининг арконлари қуйидаги тўрт қудсий калимадан иборат: 1) Ҳуш дар дам – ҳар бир дам, ҳар бир сонияда ўз-ўзини англаш (ғафлатда қолмаслик), 2) назар бар қадам – ҳар бир ҳаракатни кузатиш, 3) сафар дар ватан – Ватан (Оллоҳ) йўлида ирфоний ёки амалий-руҳий саъй-ҳаракат, жажду жадал қилиш; 4) хилват дар анжуман – жамиятда фаол бўлиш билан бирга бутун борлиқ ва шуурда Оллоҳ билан танҳо қолиш... Махдуми Аъзам ана шу тўрт қудсий калимани нақшбандия тариқатининг боши, ўртаси ва ниҳояси, деб ҳисоблади⁶².

⁶¹ Султонмурод Олим. Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда нақшбандия тариқатининг ислом оламидаги ўрни, мавқеи ва аҳамияти // Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва ҳулосалар. – Тошкент: Моварауннаҳр, 2014. 198-199-бетлар.

⁶² Абдуқодир Зоҳидий. Нақшбандиянинг буюк тарғиботчиси // Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Махдуми Аъзам (Ҳаёти, фаолияти, илмий ва маънавий мероси). Т.: Ўзбекистон Республикаси маънавий маданият тарғибот маркази, 1993. 32-б.

Яссавия ва хожагон тариқатлари бир-бири билан яқин ва биродар тариқатлар бўлишига қарамай, XIV аср ўрталарига доир нақшбандия ва хожагон манбаларида яссавиянинг таъсирини Туркистон билан чеклаш, Моварауннахрни эса нақшбандияга тегишли эканлигини таъкидлаш бўлган. XVII аср бошларига келиб нақшбандиянинг яссавияга нисбатан рақобатли кураши унинг устидан ғалаба қилиши натижасида тўла сиёсийлашуви оддий авом кўз олдида илгариги мавқеи ва таъсирининг йўқолишига, мамлакатда ғоявий бўшлиқнинг кучайиши, ижтимоий-сиёсий парокандалиқнинг хаддан ташқари кучайишига олиб келди. Бошқа тариқатларга нисбатан бетоқатлик, кишиларнинг қалбини забт этиш эмас, балки худудий устунликка интилиш охир-оқибатда нақшбандиянинг таъсирчан кучи ва мавқеининг тобора йўқолиб боришига олиб келди.

Диссертантга кўра, Бобораҳим Машраб (1640-1711)нинг шахси ва тасаввуфий ғоялари Мансур Халлож (922 йили қатл этилган)дан кейин жаҳон тасаввуфи тарихидаги ноёб ҳодисадир: унинг ижодий фаолияти XVII – XVIII асрларда Марказий Осиё халқлари дуч келган маънавий - интеллектуал ва ахлоқий таназулни бартараф этиш, жамият ва халқни ҳалокатдан қутқариш учун кураш жараёнида камол топди; мусулмон жамиятининг диний, тасаввуфий ҳаётида чуқур из қолдирди.

Хожамназар Ҳувайдо Бобораҳим Машрабнинг кичик замондоши, унинг ғояларининг изчил давомчиси эди. Унинг тасаввуфий қарашлари ва фожеали қисмати Хожамназар Ҳувайдонинг тасаввуфий қарашлари шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Бобораҳим Машраб ота-онасидан жуда ёш етим қолди. Фарзандидаги ноёб истеъдодни сезган она Наманганда илми ва кароматлари билан танилган Эшон Мулло Бозор Охундга шогирд қилиб беради. Машраб диний илмларни чуқур ва пухта ўзлаштириш билан бирга улуғ устозидан Иброҳим Адҳам, Робиа Адавия, Боязид Бистомий, Мансур Халлож сингари буюк авлиёларнинг ҳаёти, одоби ва кароматлари ҳақидаги қисса ва ҳикояларни завқ билан тинглайди, уларнинг таълимотларини билиш учун араб, форс тилларини, Жалолиддин Румий, Шамсиддин Табризий, Шайх Саъдий, Фаридиддин Аттор сингари буюк машойихларнинг тасаввуфий шеърларини ёд олади. Ўзи ҳам «Махдий», «Умам», «Меҳр» («Меҳрий») тахаллуслари билан тасаввуф руҳида шеърлар ёза бошлайди.

Тасаввуф таълимоти, Муҳаммад пайғамбар ва унинг чорёрларининг ҳаёти, ислом равнақи йўлида чеккан захмат ва жасоратлари Машраб дунёқарашининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Шогирдидаги илм ва ҳақиқатга бўлган ташналиқни ҳис этиб, ундаги ноёб қобилиятни кадрлаган Мулло Бозор Охунд (ваф.1668 й) Бобораҳим 15 ёшга етганида Шарқий Туркистонда буюк сўфий сифатида катта шуҳрат қозонган Ҳидоятуллоҳ Офоқ Хожа (ваф. 1693 й) даргоҳига бориб, унга мурид бўлишни маслаҳат беради.

Офоқ Хожа Бобораҳимнинг ноёб шоирлик маҳорати, илмга чанқоқлиги ва тиришқоқлигини муносиб тақдирлайди: унга «Машраб» тахаллусини қўллашни маслаҳат беради. Машраб буюк пир даргоҳида 7 йил хизмат

қилиб, тасаввуф илми ва амалиётини, сўфийлар одоби ва ахлоқини пухта ўзлаштиради⁶³.

Машраб Ёркент, Гулжа, Кошғарда бўлади. Офоқ Хожанинг Тошкентдаги дўсти шайх Нуриддин оғир хасталикда иймондан кетаётган вақтда Офоқ Хожанинг топшириғи билан Тошкентга келади ва ниҳоят, 18 йиллик сарсон – саргардонликдан сўнг пиридан Наманганга қайтиш учун ижозат олади. Маккада хаж зиёратини адо этади: Ўрта Осиёнинг Бухоро, Хўжанд шаҳарларида, Яқин Шарқ мамлакатларида бўлади. У жуда мураккаб ва зиддиятли тарихий даврда яшади ва ижод қилди.

Бобораҳим Машрабнинг авом халқ манфаатларининг ҳимоячиси сифатида таъмагир, порахўр ва риёкор хожа, сўфий, хон ва бекларнинг ярамас кирдикорларини фош этиши, бир томондан, мазлум авом билан жамият хос аҳли ўртасидаги зиддият ва бегоналашувни ёрқин намойиш этса, иккинчи томондан, хос аҳлининг Бобораҳим Машрабга қарши тухмат ва маломатларни авж олдириши охир-оқибатда буюк мутасаввиф шоир ҳаётининг фожиали яқун топишига, Балх подшоси Маҳмуд Қатағон ҳукми билан 1711 йили Қундуз шаҳрида дорга тортилишига олиб келди.

Машраб ўзи яшаган жамиятда «олимлар илмига мағрур, жоҳиллар исён (гуноҳ)га ғарқ»⁶⁴ эканлигини, «илми ҳолу қолнинг йўлида қилсанг амал ушбу муллолар бари бухлу (бахиллик) ҳаводорлик (кибр) била машғул»⁶⁵ лигини кўрди.

Машраб ўрта аср мусулмон тасаввуфининг, айниқса, нақшбандиянинг илғор ғояларини изчил давом эттириб, диннинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини белгилар экан, «асли давлат диндадур, марди бадавлатман дема, дилда маъни бўлмаса, аҳли ҳақиқатман дема»⁶⁶ - деб ёзди.

У мусулмон жамиятининг маънавий ҳаётида етакчи роль ўйнаган буюк авлиёлар: Иброҳим Адҳам, Ибн Муборак, Робиа Адавия, Зуннун Мисрий, Фаридиддин Аттор, Абу Ҳомид Ғаззолий, Муҳйиддин Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдулло Аҳрор, Маҳдуми Аъзам Даҳбедий – Косоний анъаналарини изчил давом эттирди. Уларнинг ибратли ҳаёт тарзи ва тасаввуфий ғояларини кенг тарғиб этди. Жамиятнинг илм-маърифатли, ўзига тўқ хос қатлами (хожа, саййид, хон, беклар, мулла ва ҳ.к.)ни жамият тақдири, ҳаёти ва истиқболи учун жавобгар деб ҳисоблади.

Хожамназар Ҳувайдо Бобораҳим Машрабнинг ана шундай ғояларини фаол қўллаб –қувватлади, аммо уларнинг ярамас кирдикорларини ошқора танқид қилиш йўлидан эмас, балки уларнинг гуноҳларини ўз гуноҳлари сифатида фош қилиш йўлидан борди.

Машраб ўз ғазаллари, мухаммас, мустаҳзод ва мураббаъларини оддий авом халқнинг диди ва савиясига мос услуб ва тилда яратди. Ўз

⁶³ Хожи Исмаилов Абдуллох. Бобораҳим Машраб ва унинг «Мабдаи нур» асари // Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур (Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи, тадқиқ этувчи, луғат ва изоҳларни тузувчи Хожи Исмаилов Абдуллох). – Т.: Фан, 1994. 6-б.

⁶⁴ Ўша жойда, Б.161.

⁶⁵ Ўша жойда, Б.161

⁶⁶ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. - Т.: Фан, 1994, Б.7.

ғазалларини кўлида сози (танбур) билан халқ орасида куйлади. Бу кўшиқ ва ғазалларида Оллоҳга бўлган чексиз мухаббатини, ростгўйлик, меҳр-оқибат, ҳаё, ҳалоллик, инсоф, диёнат, инсонпарварлик, одиллик, иймон-эътиқодни шарафлади. Аини вақтда иймонсизлик, разолат, қабиҳлик, жаҳолат, таъмагирлик, кибр, манманлик, ёлғончилик сингари иллатларни аёвсиз фош қилди.

Бобораҳим Машраб ўзининг бутун истеъдоди, ақл-заковати ва ҳаётини Оллоҳнинг буюк мўъжизаси бўлган хазрати инсоннинг ва бутун башариятнинг дилини тавоб қилишга бағишлади; инсон дилини тавоф қилишни Каъбани тавоф қилишдан муҳимроқ деб билди. Зеро, инсоннинг пок қалби Оллоҳнинг маконидир: «Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен, агар бир дилни бузсанг сен юзар Каъба бузулмасму?»⁶⁷.

Машраб тасаввуфнинг Боязид Бистомий асос солган ва Мансур Халлож изчил давом эттирган тайфурия мактабига мансуб бўлиб, ўз руҳий оламида рўй берган илоҳий сир ва илмларни одамларга етказишга интилди. У онгли равишда Жунайд Бағдодийнинг жазба вақтида солиқнинг хушёр бўлиши, илоҳий сирларни авомга ошкор қилмаслик тўғрисидаги қарашларини рад этди ва агар ошиқ маст бўлмаса, у ошиқ эмас, деган ғояни асослашга ҳаракат қилди.

Машраб нақшбандия ғоялари билан бир қаторда яссавия, қаландария, мавлавия ғояларини изчил тарғиб этди. Хожамназар Ҳувайдо Бобораҳим Машрабнинг ана шу йўлини фаол қўллаб-қувватлади.

XVII асрга келиб, нақшбандиянинг Шайх Ҳабибуллоҳ (Сўфий Оллоҳёрнинг пири) раҳнамолигидаги Бухоро мактаби, Ҳидоятуллоҳ Офок Хожа (ваф. 1693 йй) раҳбарлигидаги Кошғар (Шарқий Туркистон) мактаби вужудга келди. Сўфий Оллоҳёр нақшбандиянинг Бухоро мактабига, Бобораҳим Машраб ва Хожамназар Ҳувайдо эса нақшбандиянинг Кошғар мактабига мансуб эдилар⁶⁸.

Сўфий Оллоҳёр ижтимоий келиб чиқишига кўра, ўзига тўқ мансабдор оилада дунёга келди, Бухоро мадрасаларидан бирида илм олди. Божгирлик мансабини эгаллади. Бироқ тасаввуф йўлига киргач, бу лавозимни тарк этиб, факирона ҳаёт кечирди. У яшаган даврда ҳукм сурган жаҳолат, илмсизлик, зулм ва истибдод Сўфий Оллоҳёр зиммасига ислом динини сақлаб қолиш, тасаввуфий ғояларни ривожлантириш вазифасини юкледи. У ана шу мақсад йўлида туркий тилда ислом дини барча илмлари (фикҳ, илоҳиёт, тавҳид, ҳадис, тасаввуф)ни ўзида қамраб олган «Саботул ожизин» асарини яратди.

Сўфий Оллоҳёрнинг дунёвий мансаб ва ҳокимиятдан юз ўгириши (ўғлига қилган насиҳатлари⁶⁹) ва ҳаётининг кейинги йилларида Каттақўрғондан бош олиб чиқиб, Сурхондарё, Қашқадарёнинг тоғли

⁶⁷ Машраб. Девон (Нашрга тайёрловчилар: Ваҳоб Раҳмонов ва Комилжон Исроилов). Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. Б. 221

⁶⁸ Бу ҳақда қаранг: Икромиддин Остонақул. Фарғоналик валийлар. - Т.: Мовароуннаҳр, 2001. Б. 40. Яна қаранг: Ш. Сирожиддинов. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. Жамият ва бурч. Т., 2001. Б.17.

⁶⁹ Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. Т., Чўлпон, 1992. 116-119-бетлар.

гўшаларида яшаши заминда Баҳоуддин Нақшбанд давридаги пок тариқат ғояларини қайта тиклашга интилишни кузатиш мумкин.

Сўфий Оллоҳёр нақшбандия ғояларини изчил давом эттирди, айна вақтда Муҳаммад пайғамбар суннатларига ёт бўлган сохта тариқатлар (равшания, хуббия, аббосия, авлиёия, ҳалолия ва ҳ.о.) нинг яроқсизлигини фош этди⁷⁰.

Сўфий Оллоҳёрга кўра, маърифат икки хилдир: «маърифати зот» ва «маърифати сифот», яъни Оллоҳнинг зоти тўғрисидаги илм чексиз бўлиб, унга инсон ақли ета олмайди; «маърифати сифот»ни била олади ва мушоҳада этади. У сўфийларни улуғлар экан, Х асргача яшаб, ислом тасаввуфи тарихида чуқур из қолдирган Иброҳим Адҳам, Ибн Муборак, Робиа Адавия сингари буюк авлиёларни назарда тутди.

Сўфий Оллоҳёрнинг нақшбандияни илк даврига қайтаришга бўлган интилишлари Хожамназар Хувайдонинг фаолияти ва ижодида тўлароқ кўзга ташланди: у хонлик пойтахтидан олис Чимён қишлоғида Бобораҳим Машраб, Сўфий Оллоҳёрнинг тасаввуфий ғояларини кенг тарғиб этди, улар ғоясини янгича мазмун билан бойитди. Бир томондан, Оллоҳга бўлган ишқ алангаси, жозибаси, изтиробларини баён этди: замондошларини Оллоҳ илми, Пайғамбар суннатларига садоқатли бўлишга, ҳалол, иймон – эътиқодли, диёнатли бўлишга ундади; иккинчи томондан, Иброҳим Адҳам, Ибн Муборак, Робиа Адавия сингари сўфийларнинг илоҳий ишқ йўлидаги жўмардлигини кенг тарғиб этди, Оллоҳнинг карами, Муҳаммад Пайғамбарнинг шафоатидан умидвор бўлишга, охиратда Оллоҳ ҳузурига пок рух билан боришга, гуноҳлардан тавба қилишга ундади.

Диссертациянинг сўнгги тўртинчи боби «**Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий қарашлари ва унинг аҳамияти**»ни ўрганишга бағишланган.

Диссертантнинг таъкидлашича, Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий қарашларида, бир томондан, тасаввуфнинг кўп асрлик анъаналари изчил ривожлантирилди, иккинчи томондан, жамият дуч келган маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий инқироз аломатлари ҳам сезиларли даражада акс этди.

Мутасаввиф-шоир ижодида Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Сўфий Оллоҳёр, Бобораҳим Машраб сингари машҳур мутасаввифларнинг ғоялари янада ривож топди, уларнинг асарларига хос инсонпарварлик, юксак бадийлик янгича мазмун, аҳамият ва жозибаторлик касб этди. Хожамназар Хувайдо ижодида шахс маънавияти муаммоси асосий ўринни эгаллади: «Киши бўлмаса маънидин хабардор, ани одам дема, де нақши девор»⁷¹, - деб ёзди.

Хувайдонинг таълим беришича, хариси зикри Ҳақ бўлиш, яъни Оллоҳнинг зикрини туну кун қилишга зўр бериш бандалиқнинг нишонидир, ammo бойликка хирс қўйиш бандалиқка муносиб эмас. Худо инсонни бу дунёга боғу чаманни тамошо қилиш учун эмас, балки бандалари руҳининг

⁷⁰ Ш.Сирождинов. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. I-қисм. Жамият ва бурч. Т.: 2001. Б.19-25.

⁷¹ Хувайдо. Роҳати дил. Иброҳим Адҳам (эски ўзбек-араб ёзувидан напшрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қ. Рўздатзода. Масъул муҳаррир: проф. Х. Алиқулов) –Т: Наврўз, 2011. 51-б.

«ал-Мийсоқ» куни қилган аҳдини бажаришини синаш учун юборди. Агар Худога етишмоқчи бўлсанг, ит нафсингни оч тутиб, мудом Худонинг зикрини қил: танани тарбият қилиш бандаликка муносиб эмас.

Хожамназар Хувайдо яшаган ва ижод қилган даврга келиб, нақшбандиянинг илк ғоялари ўз таъсир кучини йўқота бошлади. Сўфий шоир солиқни «гап укмайдиган» авом халқдан ҳолий гўшада Худонинг зикрини қилишга ундади.

Солиқ (тарикат йўлидаги киши)ларни ўз ботиний оламига мурожаат этишга, қалб уйини поклашга даъват этиш Хожамназар Хувайдо қарашларига хос характерли хусусиятдир. У Имом Ғаззолийнинг «Кимёи саодат» асарида илгари сурилган инсон тўғрисидаги ғояларни янада ривожлантирди. Имом Ғаззолийнинг таълим беришича, қалб Оллоҳнинг маконидир. Хожамназар Хувайдонинг ёзишича, Оллоҳ ҳар қандай қалбда эмас, балки покиза қалблардагина мавжуддир: «Жон уйин покиза қилғил қолмасун гарду ғубор, Ман эшиттим ғайбдин: покиза дил маъвойи дўст»⁷².

Хожамназар Хувайдонинг фикрича, Оллоҳнинг васлига эришишга тўсқинлик қиладиган рақиблар бор. Улар аслида нафс балоси, мону дунё ҳаваси, кибр ва манманликдир. Оллоҳнинг васлига етишмоқ учун солиқ вужуд саҳросини босиб ўтиши, бу йўлда дуч келадиган дев, аждаҳо (нафс лашкарлари)ни қатл этиши лозим. Бу йўл қоронғу бўлиб, йўлдан адашмаслик учун чироғ (илм) ва асоқаш (маънавий раҳнамо, пир) зарурдир. Нафс лашкарлари инсондан ташқарида эмас, балки унинг ичидадир. Бу маккор ва ёвуз душманга қарши курашмоғи учун солиқда мустаҳкам ирода, сабот-матонат, ҳиммат, жасорат, шиддаткор илоҳий ишқ бўлиши керак.

Диссертантнинг таъкидлашича, Хожамназар Хувайдо тасаввуфий ўзининг мазмун-моҳиятига кўра диний антропологик характерга эгадир. У инсон борлигини билиш орқали олам борлигини билишга интилади. Инсон маънавиятини юксалтириш, иймон-этиқодини мустаҳкамлаш орқалигина жамият дуч келган ижтимоий-сиёсий муаммоларни оқилона ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблади.

Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий таълимотида инсоний халқлар ва миллатлар ўртасида дўстлик ва қардошлиқ муносабатларини қарор топтириш муҳим ўрин эгаллади. Унинг фикрича, ҳар бир нотаниш кишини худди Хизрни кўрган каби тавоф қилиш, етмиш икки миллат халқи билан дўст бўлиш комиллик белгисидир: «Агар ҳар кимни кўрсанг, Хизр бўлғой деб тавоф айлаб, Ки ҳафтоду ду миллат халқи бирла ошно бўлғил»⁷³.

Хожамназар Хувайдо тасаввуф ғояларини тарғиб этишда маломатия тарикати ғояларидан ўринли фойдаланди: замондошларининг камчилик ва нуқсонлари, айб ва гуноҳларини ўзининг шахсий камчиликлари сифатида фош этди. Айни вақтда аҳли уммий (авом) ўртасида ислом дини таълимотини, ҳадис ҳикматларини ибратли диний ривоят ва ҳикоятлар орқали тарғиб қилишга, уларнинг диний билим ва савиясини кўтаришга,

⁷² Ўша жойда. 53- б.

⁷³ Ўша жойда. Б.154.

шариат аҳкомларини содда ва тушунарли тилда баён этишга, одамлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришга ҳаракат қилди.

Хожамназар Хувайдо ўз салафларидан фарқли равишда борлиқ ва уни билиш моҳиятини фақат хос аҳлигагина эмас, балки илмсиз авомга ҳам тушунтиришга ҳаракат қилди. Шу маънода Хожамназар Хувайдонинг онтологик ва гносеологик концепциясига: 1) қуйи ва 2) юқори даражадаги таълимот сифатида қараш лозим.

Мутасаввиф шоир «мусулмончиликнинг мағзи йўқолиб, фақат пўсти қолган» бир шароитда «Кўрдим ҳамани озуқаи нафсига ҳайрон, Ҳеч ким демади тўшаи уқбо қилиб ўттим»⁷⁴ - деб ёзди.

Хожамназар Хувайдо авомнинг диний саводхонлиги ва маърифатини юксалтирмай туриб, дин ва тасаввуфни инқироздан қутқариб бўлмади, деб ҳисоблади. Яна муҳими, Бобораҳим Машраб ва Сўфий Оллоҳёрдан фарқли равишда, аввало, илмсиз авомнинг ўлик қалбларини тирилтиришни, ислом динининг муқаддас қонунлари, Қуръон оятлари, Расулуллоҳ суннатлари моҳиятини содда, лўнда қилиб баён этишни зарур ва муҳим деб ҳисоблади. Шу мақсадда «Роҳати дил» манзумаси ва «Ҳикояти султон Иброҳим Адҳам» асарини яратди.

Авом учун мўлжалланган диний-ирфоний манзумасини қалбни барча ғубор, нуқсонлардан покловчи «роҳати дил» деб атади. Асарни туркий (эски ўзбек) тилда, шеърийнинг маснавий жанрида яратди.

Хожамназар Хувайдонинг Марказий Осиё тасаввуфи тарихидаги буюк хизмати, ишонч билан айтиш мумкинки, фарзандни мактабга бериш ва илмли қилиш мусулмон ота-оналарнинг бурчи, фарзанди олдидаги қарзи эканлиги масаласини расулуллоҳ ҳадисини далил сифатида келтириб, кун тартибига қўйганлигидир.

Мутафаккирнинг юқори даражадаги онто-гносеологик концепцияси хос аҳлининг маънавий таназулини бартараф этиш учун, аввало, уларнинг дунёқараши, билим ва савиясини юксалтиришга, сўфий ҳаётининг маъноси ҳақида мулоҳаза юритишга ҳаракат қилди. Шунингдек, сўфийлар эътиборини Худонинг йўлига кириш, Илоҳий ҳақиқатга етишиш машаққатлари, молу дунё, фарзанд ва хотиннинг Илоҳий ишқ йўлида душман эканлиги, қалбни дунё ҳаваслари ва муҳаббатидан тозалаш, вужуд саҳросини босиб ўтиш, ўзига муносиб пир топиш, илми қолсиз илми ҳолга эришиб бўлмаслиги сингари масалаларга жалб этди.

«Нақшбандия издошлари учун XVII аср охири - XVIII асрларда кўп тариқатларга ворис бўлиш хос эканлигини»⁷⁵ эътиборга олсак, Хожамназар Хувайдо нафақат нақшбандия, каландария, хилватия, маломатия

⁷⁴ Хожамназар Хувайдо. Девон (эски ўзбек-араб ёзувидан нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи Қ. Рўзमतзода. Масъул муҳаррир: проф. Хожи Исмаилов Абдуллоҳ) 2-нашри. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. 257 – б.

⁷⁵ Девин ДиУис. *Машойихи турк и Ходжагон: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавия и Накшбандийа // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования)*. Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и ответственный редактор А.А. Хисматуллин. Санкт-Петербург, 2001. С. 242.

тариқатларининг, балки зайния тариқатининг илғор тасаввуфий ғояларини ҳам изчил давом эттирди.

Хожамназар Хувайдо ҳаёт ва ўлим ҳақида мушоҳада юритар экан, умрни кадрлаш, уни зое ўтказмасликни, ўздан кейин йилқида мингта от қолдиришдан кўра, ўчмас ном қолдириш афзал эканлигини, Худони севиш барча ғам-ғуссалардан озод бўлишнинг шифоси эканлигини алоҳида таъкидлади: «Сақлагил бир яхши от, ўзингга ҳаргиз ўлмасун, Эй Хувайдо сақлагунча йилқида минг яхши от»⁷⁶.

Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий ғоялари XIX-XX асрларда унинг истеъдодли авлодлари ва издошлари томонидан давом эттирилди ва тарғиб қилинди. Унинг ўшлик чеваралари Самар Бону, Салоҳиддин Соқиб, чимёнлик чевараси Фахриддин эшон Хокий тасаввуфий шеърларида буюк боболари ғояларини изчил тарғиб эттирдилар.

Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий ғоялари XX аср ўрталарида чимёнлик мутасаввиф шоир Мулло Умурзоқ Ғарибий (1877-1961) томонидан тарғиб этилди ва ижодий ривожлантириди.

Ғарибий «ишчи-деҳқон ҳукумати», «меҳнаткашлар давлати»нинг 30-йиллардаги оммавий қатағонларига жонли гувоҳи бўлди. Ҳақиқатни билиш учун қизғин ижод билан шуғулланди. Қалби тубидан отилиб чиққан норозилик ва нафрат ҳиссини ошкор қилмасликка, бундай туғёнларини форсий тилда ёзишга аҳд қилди.

Шоирнинг қатъий ишончига кўра, ислом дини ўзининг минг йилдан ортиқ тарихи давомида мусулмон халқларнинг фақат иймон-эътиқодигина эмас, балки ҳаёт ва тафаккур тарзи, маънавиятининг ажралмас бир бўлаги ва ҳаёт қомусига айланган эди. Шу боисдан ҳам шоир шўролар даврида диндорлар ва динга қарши олиб борилган оммавий қатағонда фақат диннинг таназзулини эмас, балки миллий маданият ва маънавиятнинг ҳам фожиасини кўрди.

Инсон ҳуқуқларини поймол этиш оддий ҳолга айланган оғир ва мусибатли шароитда Мулло Умурзоқ Ғарибий ислом дини ва тасаввуф ғояларини ман этган тузумнинг бир замонлар жаҳон маданияти ва цивилизациясининг ўчоғи бўлган Туркистонни кофиристонга айлантирганлигини изтироб билан таъкидлади.

Замондошларига хос бўлган камчилик ва нуқсонларни, гуноҳ ва ёмон амалларни ўзининг шахсий гуноҳи, камчилик ва нуқсонлари сифатида фош этиш анъанаси Мулло Умурзоқ Ғарибий ижодида ҳам яққол кўзга ташланди.

XX аср ўрталарида ўзининг амалий фаолияти, ноёб инсоний хислатлари, тақводорлиги, валийлик фазилатлари билан замондошлари ўртасида катта обрў-этибор топган Хожамназар Хувайдо издошларидан яна бири Абдуқайюм қори Носиржон ўғли (1906 - 1986) эди.

Унинг бутун ҳаёти ва фаолияти ҳар қандай муҳитда, ҳатто зулм ва истибдод ҳаддан ташқари кучайган шароитда ҳам мўмин-мусулмонлар ўз иймон-эътиқодини сақлаб қолиши, Оллоҳ олдидаги бурчи, вазифасини адо

⁷⁶ Ўша жойда. Б. 46.

этиши, тасаввуфий ҳолга мушарраф бўлиш мумкинлигини кўрсатувчи ўзига хос ибрат намунасидир.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Ватанимизнинг миллий мустақилликка эршиши халқимиз ҳаётида янги даврни бошлаб берди: халқимиз муқаддас ислом дини, буюк аجدодлари меросини тўлароқ ва чуқурроқ ўрганиш, миллий маънавий қадриятларини тиклаш, миллий ўзлигини англаш, ўз тақдирини ўзи яратиш имконига эга бўлди.

Диссертантнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони⁷⁷, 2017 йил 14 февралдаги ПФ-2774-сонли «Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080 –сон Қарорида халқимизнинг яратувчан даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш вазифаси кўйилди.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Хулоса

1. Тасаввуф моҳиятини фалсафий билиш халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий менталитети, тафаккур ва ҳаёт тарзининг тарихий асосларини теранроқ англаш имконини беради. Идеалистик фалсафий таълимот ва плюралистик методологиягина тасаввуф моҳияти, тасаввуф тарихи ва унинг ривожланиш хусусиятларини илмий асосда ўрганиш учун кенг йўл очади.

2. Ислом тасаввуфи учун демократизм ва плюрализм ҳосилдир. Мусулмон жамиятида фақат битта тариқатнинг танҳо ҳукронликка интилиши охири-оқибатда жамият элитар қатламини ўз маслағи, мақсад ва интилишларига мос тасаввуфий таълимотни танлаш имкониятидан маҳрум этади. Зеро, нимаики танланса, ўша кадрлидир;

3. Хожамназар Ҳувайдо кишиларни маънавий ганж (илм, маърифат) излашга чақирди. Фақат илмгина жамият ва инсонни жаҳолат, қоқоқлик, зулм ва истибдоддан ҳалос этиши мумкин; фарзандини мактабга бериш ота-оналарнинг бурчидир, деган ғояни илгари сурди;

4. Навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик, хувайдохонлик анъаналарини изчил давом эттириш жамиятимиз дуч келган қатор маънавий-ахлоқий муаммолар (таъмағирлик, бошқалар ҳақида хиёнат қилиш, жиноятчилик, фахш ва ҳ.о.)ни оқилона ҳал этишда муҳим манба бўлиши мумкин.

5. Диний таълим муассасалари талабаларига тасаввуф таълимоти ва тарихи фанини ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, тасаввуф моҳиятини

⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлар тўплами, 2017 йил, 6-сон.

билиш ва тарғиб этиш орқалигина сохта тариқатчилик, диний экстремизм, ақидапарастлик сингари иллатларга қарши самарали курашиш ва сунний тариқатларнинг шаклланиши учун қулай имконият яратиш мумкин;

6. Фарғона вилоятининг Чимён қишлоғида миллий мустақиллик йилларида халқ хашари йўли билан барпо этилган Хожамназар Хувайдо мақбараси ва музейини давлат муҳофазасига олиш ва ЮНЕСКО рўйхатига киритиш лозим;

7. Ўзбекистон давлат музейларида мамлакатимизнинг турли вилоятларида яшаб, тасаввуфий маърифатни кенг тарғиб этган яссавия, кубровия, нақшбандия, кодирия, каландария, зайния тариқатлари шайхлари, сўфийларининг ҳаёт тарзи, хонақоларнинг ички ва ташқи кўриниши ҳақида ёрқин тасаввур берувчи алоҳида экспозиция зали ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

8. Хожамназар Хувайдо музейини унинг чимёнлик издошларининг ҳаёти, фаолиятига доир янги манбалар билан бойитиш, Мулло Умурзоқ Ғарибий ва Абдуқайюм қори Носиржон ўғлининг қабрларини ободонлаштириш ва зиёратгоҳга айлантириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.F.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РУЗМАТЗОДА КОДИРКУЛ РУЗМАТ УГЛИ

**МЕСТО РЕЛИГИОЗНО-МИСТИЧЕСКИХ ВОЗЗРЕНИЙ
ХОДЖАМНАЗАРА ХУВАЙДО В РАЗВИТИИ СУФИЗМА
ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ XVII – XVIII ВЕКОВ**

09. 00. 03 – история философии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (DSC) ПО
ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (DSc) по философским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете министров Республики Узбекистан за № В 2017. 2. DSc / Fall 1.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме) на веб-странице www.tiu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www/ziyonet.uz)

Официальные оппоненты:

Г. Т. Махмудова
доктор философских наук,
профессор

Х. Б. Болтабоев
доктор филологических наук,
профессор

М. Х. Хошимхонов
доктор философских наук

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится _____ 2020 года в 14:00 часов на заседании Научного совета № DSc. 27.06.2017. F.01.05 при Национальном Университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университетская, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5 этаж, 511-аудитория. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246 -02-24, t-mail: nauka@nu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под № _____) (Адрес: 100174), г. Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 года
(реестр протокола рассылки № _____ от « ____ » _____ 2020 года

И. Р. Хужамуратов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. ф.н., профессор

Д. И. Файзихужаева
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к. ф. н., доцент.

Г. Т. Махмудова,
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В период, когда во всём мире повысился интерес к исламской религии и суфизму, когда религиозный экстремизм и терроризм, которые противоречат сущности исламской религии и суфизму, в настоящее беспокойное время представляют собой серьёзную угрозу миру, благополучию и устойчивости народов и стран на Земном шаре, актуальным является «глубокое изучение образцов нашего культурного наследия, пропаганда неопережимого вклада наших великих ученых и мыслителей в развитие мировой науки и цивилизации, на основе этого воспитание наших соотечественников, прежде всего, молодого поколения, в духе уважения к великому духовному наследию нашего народа, в духе патриотизма»⁷⁸.

В современных философских исследованиях мирового масштаба, осуществляемых в Мичиганском университете, университете Индианы (США), Центре исследования религий (Национальный педагогический университет им. М.Т. Драгонове), Центре академического исследования Молодежной Ассоциации религиоведов (Украина), институте суфийских исследований в Завльсбурге (Австрия), институте суфийских исследований (Германия) и других научных центрах акцентируется особое внимание на востребованности научной идентификации сущности исламского суфизма как предпосылки сохранения системы духовных ценностей мирового сообщества в условиях усиления негативных воздействия информационных средств. Приоритетными направлениями зарубежных исследований учений и истории суфизма Центральной Азии являются следующие: а) переосмысление взаимовлияния и взаимосвязанности накшбанди и яссаии; б) исследование причин и следствий расцвета накшбанди в XIV-XVI веках, упадка в последующих периодах; в) изучение тенденций идентификации суфизма не только как сугубо исламской, но и мировой системы духовных ценностей в странах Запада.

В последние годы в нашей стране и во всем мире были созданы фундаментальные исследования в этой области. Тем не менее остаются вне поля зрения исследователей жизнь и деятельность ряда суфийских поэтов, более 300 лет почитаемых нашим народом, которые внесли достойный вклад в развитие учения. Среди них Ходжамназар Хувайдо из Накшбанди (ум. в 1780 г.), который жил и творил в XVIII веке в деревне Чимион Ферганской области.

Данное исследование может оказать содействие выполнению задач, предусмотренных в Указе «О стратегии действий по дальнейшему развитию

⁷⁸ Ўзбекистон Президентининг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори – «Халқ сўзи» газ., 2017 йил 25 май. № 103.

